



БИРИНЧИ КИТОБ МУКАДДИМА

Бисмиллохир Рохманир Рохийм

У подшоҳ (Худо)га ҳадду ҳисобсиз мадҳия ва киёссиз миннатдорчиликлар бўлсинки, У зот шак-шубҳасиз энг қадимийдур, мангудир ва айбу нуксонсиздир. У яққа-яғонадир, «У зотнинг биронта шериги йўқдир» (6.163) деган оятлар бунга далилдир. У ҳоким олимга узлуксиз мактов ва ташаккурлар бўлсинки, унинг ҳикмати умидсизлик водийсида сарсон бўлганларнинг юзига раҳмат эшигини очгандир. Гам-қайғу кўчаларида саргардон бўлганларнинг кўлига умид гулларини тутказгандир.

«Аллохнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз» (39.53) деган улуг сўзи бунинг далилидир. Унинг улуг даргоҳида ер юзининг такаббурлари хору зор ва эътиборсиздир. Фақирлик ва ожизликка мубталолар – чақасиз ва сармоясиз бечоралар унинг саховат дастурхонидан насибалик ва баҳраманддир.

Шу қадар ҳайр-эхсон эғасидирки, унинг қабул қилишининг баракотидан қабул қилингувчиларнинг кўнглига иқбол қуёши нур сочгандир. Айбларни ёпувчидирки, фалакдек қудратли подшоҳлар унинг олий даргоҳида илтижо ва талаб қўлларини тавозеъ ва ёлвориш билан узатгандир.

Қудрат эғасидирки, турк жанговари деб аталган Баҳром (Миррих, Марс сайёраси) унинг улуг даргоҳида хизмат камарини белига боғлаган бешинчи осмон посбонидур.

Ҳинд ботири деб аталган Қайвон (Зухал, Сатурн) юлдузи унинг салтанат пардаси олдида туришга белгиланган еттинчи осмон соқчисидир. Бош қотиб Аторуд сайёраси бўлса, абадийлик девонида ўз амри билан яратган «Қалам ва у билан битиладиган битиклар билан» (68.1) машғул бўлишга белгиланган назоратчидир.

Назм:

Боши кўкка етган улуг шохлар ҳам
Унинг даргоҳида бошин қилур ҳам.
Қайсарга у дархол қаҳр этмағай,
Ўзр сўраганга жабри етмағай.
Ўлуглик, мартаба факат унга хос,

Мулки кадимийдир, зоти хосулхос.

У зотнинг жамоли даргохи шу кадар юксакдирки, ўй-фикр даракчиси унинг атрофидаги улуг соясига етишга ожиз, улуглик даргоҳининг сахналари шу кадар кенгдирки, ҳаёл жодуси унинг атрофларига яқинлашиш имкониятидан маҳрумдир.

Назм:

Унинг таъзимига тизилиб шохлар

Кўл чўзиб туришар тиланчи мисол.

Чунки у энг азиз, якка-ягона,

Энг улуг, абадий, бемислу тимсол.

Пайгамбар алайхиссаломга пок саломлар ва барча улуг мадҳиялар бўлсинки, унинг лавҳларининг саҳифаси «Албатта Аллоҳ ҳам, Унинг фаришталари ҳам пайгамбарга дуою саловат айтурлар» деган марҳамат ёрлиги билан зийнатланган.

Назм:

Унинг нури малаклар машъалининг ёлкинидандир,

Унинг файзи фазолар токи Аршнинг манзилидандир.

Унинг даргоҳига тортик бутун шохлар ва тожу тахт,

Унинг маҳрамларининг манзили кудсий макон ҳар вақт.

У шу кадар илм ва давлат эгасидирки, Исои Рухуллоҳ: «Албатта, мен Аллоҳнинг сизларга юборган пайгамбаридирман. Мен ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқлагувчи ва ўзимдан кейин келадиган Аҳмад исми бир пайгамбар ҳақида хушхабар бергувчи зот сифатида юборилдим» деган башоратни оламнинг ҳамма тарафларига етказган ва бу башоратнинг шарофати билан «Аллоҳнинг изни билан ўликларни тирилтираман», деган шарафли манзилга етишди.

Назм:

Масихо ташрифидан берди мужда,

Шу мужда туфайли тиргузди мурда.

Мусо алайхиссалом ҳам: «Аллоҳ Аҳмад (Мухаммад)нинг умматларини яратади» деган орзуси унинг абадийликка туташган давлати далилидир. Ана шу орзунинг шарофатидан у оппоқ ҳосиятлик кўл (Яди Байзо)га эришиб бахт-саодат топди.

Назм:

Мухаммад олам аҳлин кўз нуридир,

Ёруғ жаҳон бўстонининг гулидир.

Бори шохлар узра у келди сардор,

Икки оламдаги шаҳаншоҳ – тождор.

Унга, унинг оиласи аҳлига, саҳоба ва авлодларига дуо ва саломлар бўлсинки, улар сараланганлар тахтгоҳининг юксак мартабасида ўрин олган ва «Мен сизлардан бу даъватим учун ажр-мукофот сўрамайман, факат кариндошчиликдаги

дўстлик-яқинликнигина, яъни «Мен сизлар билан насл-насаб жихатидан кариндош бўлганим ҳақки-ҳурмати бу даъватимга тўскинлик килмасликларингизнигина сўрайман» (42.23) деган хитоб майдонининг кўзга кўринган зотларидир. Унинг барча издош, дўст ва ёрдамчиларига дуо ва саломлар бўлсинки, улар ҳақиқат майдонининг жасур жангчилари, тарикат даргоҳининг садокатманд ошиқларидир.

Хусусан, кариндошларнинг улуги, яхшиларнинг яхиси «Унга факат бир киши (Яъни Абобакри Сиддик) йўлдош эди. Айни замонда у иккиси горда эди» (9.40) деган оятда зикр килинган зот, мўминларнинг амири, ростгўй – садокатли дўст Абобакри Сиддикка (Тангри ундан рози бўлгай ва салом юборгай).

Назм:

Кай маъракада вафо, сахо сўзи кизикдир

У ким дея сўрама: Абобакри Сиддикдир.

Ахду вафода устувор, халифалик мартабасининг сохиби, савоб ва хато (хак ва нохак)ни аник фарк этувчи, мўминларнинг амири Умар ибни Хаттобга (Тангри таоло ундан рози бўлгай).

Назм:

Дин куёши камол кўкига етди,

Муслмонларга соя солди Умар.

«Куръон»ни жамлаб чиккан, хар ишда мулойимлик ва шарм-хаёнинг кони бўлган, мўминларнинг амири хазрати Усмон ибни Аффонга (Тангри уни рахмат килгай, ундан рози ва мамнун бўлгай).

Назм:

Аторуд, Ою Зухра – кўкни накши,

Вале мен куёшни васф этсам яхши.

Хашаматлик, тамкинли ва улугвор имом, Дулдул ва Зулфикор эгаси, «ло фато»

(ёшларнинг улуги) исми билан танилувчи, пайгамбаримизнинг ички ва ташки сир-асрорларининг махрами – сирдоши, пайгамбарнинг голиб кариндоши, мўминларнинг амири Али ибни Абу Толибга (Аллох унга яхшиликлар ато килгай).

Назм:

Аллохга валию набийга ворис

Али валий эди тенгсиз фаворис.

Шу важдан куёшдек эди равиши,

Тўртинчи осмондан юз кўрсатиши.

Назм:

Илму халимлигу хаё шиори,

Мухаммад жияни, Аллохнинг шери.

Яна икки шахзода – Имом Хасан ва Имом Хусайнга хисобсиз салому мадхиялар бўлсинки, улар пайгамбар алайхиссаломнинг кўз корачиклари, жигарпоралари, Аршга етган улуг зотнинг азиз неваралари, бутун оламини ёритувчи ва парвариш килувчи Аллохнинг дўсти (Мухаммад с.а.в)нинг кўз нурларидир.

Назм:

Ундан хам, бундан хам дин топди камол,

Хар икки имомга дуою салом.

Яхшиларнинг хўжаси, хушxabарларнинг манбаи пайгамбар алайхиссаломнинг шарафли тогалари бўлган хазрати Умар Хамза ва хазрати Аббос – улар шариат чодирига ёпкич, дин уйига асос эди – каторларида ва покликда номи камол топган ўнта улуг сахобага ва уларнинг пок рухларига кўпдан-кўп дуою саломлар бўлгайки, халоват тахти улар вужуди билан зийнат топгандир. Улар хокимият ишларининг мохир саркардалари, шариат дунёсининг қобил хокимлари эди (Тангри таоло уларнинг хаммаларидан рози бўлгай).

Булардан кейин ўткир кўзлилар назарига ва донишмандлар кўнглига махфий қолмагайки, Тангрининг мукаддас самовий сўзларидан иборат бўлган, эъзозга сазовор улуг китоб – «Куръони Карим» Мухаммад Мустафо (с.а.в)га тушган буюк ва очик-ошкора хужжатлардан бўлиб, «Аллох сўзларининг тўплами» бўлганлиги билан азиздир ва у уч қисмга бўлинади: биринчиси, буюк ва мукаддас Тангрининг якка-ягоналиги; иккинчиси, Мухаммад (с.а.в) шариатининг ҳукмлари; учинчиси, тарихлардан таркиб топгандир.

Бинобарин, «Уни факат тахоратли – пок кишиларгина ушларлар» (56.79) деган оят максадларининг учдан бир қисми қадимда ўтганларнинг ахволларини билишдан иборатдир. Бу ҳам бўлса, тарих илмининг фазилатларини исботлайдиган равшан далилдир. Яхши маълумки, бу илмнинг фойда-манфаатларини ҳар соҳа, ҳар қавм кишилари бирдек эътироф қилишади. Гап шундаки, халқ, балки олам аҳлининг ҳаммаси бу илмга амал қилади ва аввал ўтганларнинг ривоят ва ҳикоятларини келтиришади. Уни ўзларига далил – ҳужжат қилишади. Унга қатъий риоя қилишади.

Туркий кавмларда ҳамма воқеа-ходисаларда, ҳар қандай муҳим ишларнинг ҳаммасида, балки барча муомала-муносабатларда уларнинг сўзлари биносининг асоси илғари ўтганлар қолдирган ривоятлар ва хикоялар устига қурилган бўлади. Шу боис, мен – Аллохнинг энг фақир бандаси, Аллох марҳаматидан ўзга бирон нарсага мухтож бўлмаган Муҳаммад Хайдар ибн Муҳаммад Хусайн кўрагон, дўстлари орасида Мирзо Хайдар номи билан танилган кимса, имкониятим йўқлиги ва билимим етарли эмаслигига қарамай, бу заворли ишга киришмоқдаман, чунки мўгул хонлари, мана неча замонларки, дунёни фатх этиш ишларидан четлашиб, дунёнинг обод манзилларидан кўра саҳрони афзал билишди ва шу боисдан улардан ҳеч ким тарихни ёзмади, улар ўз аجدодларини огзаки хикояларда эслашади, холос. Мана ҳозир, 951 (1544-1545) йилда ўша хикояларни эслайдиган одамлардан ҳеч ким қолмаган. Бу муҳим ишни қилишга мен чоғланишимнинг сабаби шундаки, агар шунга мен киришмасам, унда мўгул хонлари тарихи замон саҳифасидан тамоман ўчиб кетади.

Мен канчалик мулохаза килган ва акл кўзи билан кузатган бўлмайин, китобнинг мукаддимасида буюк Тангрига хамду сано айтиш, карамлик пайгамбаримизга саловату дуолар йўллаш учун ўзимда бу ишга ярайман, деган ишончни тополмадим..

Назм:

Мен шўрлик саргардон бир бечорахол,
Кимманки Аллохни мадх этсам? Хайхот!
Юрагим титрайди сўз очай десам,
Зикр этай Аллохнинг сўзини бот-бот.

Китобнинг бошида табаррук килиб, яхши ният билан уламолар етакчиси, тарикат ахлининг йўлбошчиси, шариат конунларининг билимдони, ўзидан олдин ўтганлар қолдирган илмларни ва ўзи етишган илмларни пухта ўзлаштирган олим Мавлоно Шарафиддин Али Яздий (Аллох уни раҳмат ва магфират қилгай)нинг «Зафарнома» асарининг муқаддимаси ва бошланиш қисмини тўлиқ келтирдим.

Чингизхондан то Туглук Темурхонгача бўлган мўгул хонларининг ва мўгул кавмининг тарихи тарихий китобларда сакланган бўлса-да, бироқ Туглук Темурхондан кейин ҳукмронлик қилган хонлар ҳақида у китобларда ҳеч нарса йўқ. Тўғрироғи, гап ўша хонларга етганда, тарихчилар уларнинг ҳаётларини юзакигина ёритиб кетишган, ҳолос. Хуллас, фақир ушбу тарихни Туглук Темурхондан бошладим. Бунинг учта сабаби бор: Биринчиси шуки, Туглук Темурхонгача бўлган хонлар ҳақида ёзишган, ундан кейингилари ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Мен тарихий китобларда келтирилмаган маълумотларни ёритишни лозим топдим. Туглук Темурхон давригача етарли тарих бўлатуриб, яна уни такрорлаш Фурот дарёси ёкасида қудук қазишдек иш бўлади. Иккинчи сабаб: Туглук Темурхондан кейин ҳеч бир хонга у даражада улуғ мартаба, у қадар кўп фатҳ-зафар, у қадар улуғлик ва салтанат муяссар бўлмаган. Учинчи сабаб: мўгул хонларидан ана шу Туглук Темурхон биринчи бўлиб ислом йўлига мушарраф бўлгандан кейин бутун мўгул халқи қофирлик асоратидан ҳалос бўлди. Бошқа халқларга

ўхшаб мусулмон бўлишди. Зотан, мана шу сабабларга кўра бу «Тарих» Туглук Темурхоннинг номи ва унинг муборак зикри билан бошланди.

Яна учта сабаб туфайли бу китоб «Тарихи Рашидий» деб аталди. Биринчиси: Туглук Темурхон хазрати Мавлоно Аршадиддин кўлларида мусулмон бўлган эди. Бунинг боиси тез орада зикр килинади. Иккинчи сабаб, Туглук Темурхондан илгари Барокхон ва Барокхондан кейин Кебекхон мусулмон бўлишди. Аммо, мўгул хонлари ва мўгул улуси исломда тўғри йўлни тополмай, ундан чекиниб, ўз гаддор табиатлари чангалидан чиколмай, дўзахга кирувчилар каторида қолишди. Лекин бу саодатманд Туглук Темурхон мусулмон бўлгандан кейин мўгул улусига исломда тўғри йўл топиш бахти муяссар бўлди. Бу китобнинг ибтидоси Туглук Темурхоннинг зикрлари билан бошлангач, ушбу китобни «Тарихи Рашидий» деб атамоқ муносиб кўринди. Учинчи сабаб: Мўгул хонларининг бу кунлардаги вакили Абдурашидхондир. Бу «Тарих» унинг исмига ва унинг килган ишларига бағишлаб битилди. Шунинг учун, ана шу учта сабаб билан бу китобга «Тарихи Рашидий» деб ном берилди. Бу тарих икки китобга бўлинади. Биринчи китобда Туглук Темурхон ҳаётининг дастлабки даври баёнидан тортиб то Абдурашидхоннинг зикригача ҳикоя килинади. Иккинчи китобда факирнинг ахволларим ва ўзбек, чигатой хонлари ҳамда бошқаларнинг ҳаётларидан мен ҳакир кўрган, эшитганларим – чунки мен уларга замондош эдим – ўша вақтларда бўлиб ўтган воқеалар баён килинади. Бу факир бандасини Ҳак субҳонаху ва таоло ўз пок инояти билан мўгул халқлари доирасидан чиқариб, ўзгалардан мумтоз ва бадавлат мустақил арбоб килди, яқинларимга зору мухтож килмади. Мен билан бир кавмдан бўлган амаким, тога, аммаю холаларимнинг фарзандлари бўлган мўгул хон ва хоконлари томонидан менга нисбатан ёмонлик, муҳолифат ва келишмовчиликлар содир этилди. Шулар хусусида ҳам иккинчи китобда бирозгина сўз юритилади. Уларнинг кўнгиллари шунчалик каттикки, менинг исмим «Ҳайдар» эканлиги, маъноси ҳаёт, тириклик эканлигини билатуриб менга ўлим тилайдилар.

Фард:

Хохласанг сен бихиштга бормок,

Ўзгалар хохиши сакарга юрмек,

Ушбу жихатдандирки.

Рубой:

Сенингки дарду гаминг ёри азизимдир,

Жафою жавр етар барча дилпазиримдир.

Ушбу саодат етар, бас мани агар кўрсанг

Ки хотирингга кечар: «Бу гадо асиримдир».

Бу факирнинг онаси ва онамининг онаси шундай бир неча аждодгача ҳаммаларининг онаси хоконларнинг аммаларидир ва ота тарафдан ҳам ушбу нисбат бордур. Шунчалик бўлишига карамай мен факир ўн уч ёшда аянчли етимликда Султон Саидхоннинг хизматларига етдим. У хон оталик шафкати билан мени ризк топиш машаккатидан улуглик мансабига етказди. Дўстлик йўсини ва кадрдонлик ришталарини шундай маҳкам ва мустаҳкам килдики, ҳатто у хоннинг болалари ва биродарлари бунга ҳасад этдилар. Йигирма тўрт йил Султон Саидхоннинг хизматларида фазилатларини ўзлаштириб, уларнинг тарғиб ва таълимлари билан улуглик ва ҳашамат чашмасига чўмдим. Хат-савод чиқармок, шеър айтмок ва шеършунослик фанида ва баён услубини яхшиламок ва зийнат бермокликда, мусаввирлик, хаттотликда ўзим ҳам замондошларим орасида мумтоз ва мохир бўлдим. Ва бошқа хунарларни: муҳр ўймок, тош кесмок, заргарлик ва зарҳаллаш,

совут ва ўқу ёй яшаш, меъморлик ва дурадгорлик ҳамда бошқа хилма-хил касбларни эгалладим. Ушбу хунарларни шу даражада ўзлаштирдимки, ушбу касбдаги мохир устозларнинг кўплари менга шогирд даражасида колдилар. Бунчалик фазилат ва хунарларни эгаллашимга хон саъй-ҳаракатлари ва рағбатлантиришлари сабаб бўлди. Бунинг устига салтанат ишлари, кенгаш-машварат усуллари, жанг коидалари, тунги боскинлар, ўқ-ёй отиш, ов килиш, овга етакчилик килиш сингари давлат ишларида зарур бўлган барча хунарларни эгаллашимда устозим ва тарбиячим Султон Саидхон хазратлари бўлди. Юкорида зикр килинган касб-хунар, санъатларнинг кўпчилигида хонга шогирд эдим. Гарчи хоннинг ўғилларидан менга ва туғишганларимга нисбатан энг дахшатли ёмонликлар содир этилган бўлса-да, буларни менга хон томонидан кўрсатилган марҳаматлар билан киёслаб ўша ёмонликлардан кўз юмиб, бу «Тарих»ни унинг ўғли шарафига битдим. У буни қабул қиладими-йўқми, барибир, бу мендан унга, ундан эса халққа ёдгор бўлиб қолади. Китобнинг номи ҳам унинг муборак номи билан боғлиқ, унинг шарафли унвонлари ҳам қуйидагилар: Хокон ибн Хокон, Султон ибн Султон, Аллохга таъя қилувчи шафқатли ҳукмдор Абулмузаффар Абдурашидхон бахтиёр ҳаёт кечириб, шаҳидлик мартабасини топган Абулфатх Султон Саидхоннинг ўғли.

Китъа:

Тилим йўқ ҳеч, Илоҳо, сўзламакка,
Ки Хайдарга не сўзларга ҳад бўлгай.
Ки шох Абдурашид аъзам Уммону
Улуглик тоғига у сармад бўлгай.
Бу шох васфию жоҳу жалолин
Демак, бундан зиёда ибрат бўлгай.

Биринчи фасл. «Тарихи рашидий»нинг ибтидоси

Яратувчи Тангри таоло олам ва одамни яратаётган пайтда уларга: «Мен сизларнинг Парвардигорингиз эмасманми?» дея мурожаат қилди. У бахт-саодатга мушарраф қилган баъзи бандаларини (Аллох хоҳлаган бандасига иноят кўргизади) «ха» жавобини бериш шарафига муяссар қилди. Айрим бандаларини эса бахтсизликка мубтало этди. Зеро, «Аллох уларнинг диллари ва кулоқларини муҳрлаб қўйган. Кўзларини эса парда қоплаб олган» (2,7) деган оятга кўра, Аллох уларнинг пешоналарига инкор муҳрини босиб: «Улар қар ва соқовдирлар» (6.39) деди. Биринчи гуруҳдаги одамларга қилинган иноятдаги ва иккинчи гуруҳга берилган жазодаги донолик шундаки, ҳеч бир сабаби йўқлигига қарамасдан, улар ақлга сигмайди ва уларни мулоҳаза қилиш ман этилган, қамина – фақир қул буни баён қилмоғим керак. Гарчи иймон дил билан тасдиқ қилмоқ ва тил

билан икрор килмок бўлса-да, иймоннинг мохияти – гайбга ишониш демак ва бу бахт-саодатни акл билан англаб бўлмас.

Фард:

Акл йўли ҳам гоҳ айлағай хароб,
Яратгандан ўзга барчаси сароб.

Азалий хидоят – бу Аллохнинг иноятидир, бундай иноятга ноил бўлмок – демак, гайбга иймон келтирмокдир, бу нарса инсонга юкоридан берилади, уни одам ўзи яратмайди. «Кашф ал-махжуб» («Гойибни кашф этиш») асари муаллифи хикоя килади: Одамлар мусулмонларнинг амиралмўминини Али (Аллох уни раҳматига олган бўлсин)дан «Маърифат (танимок) нима дегани» деб сўрадилар. У дедики: «Мен Аллохни Аллох кўмагида танидим, Аллохнинг гайрини Аллох нури билан танидим».

Шундай килиб, кудратли Аллох танани яратиб рухга, танага ҳаёт бер, деб буюрди, дилни яратиб, унга жон ато килишни ўз бўйнига олди. Зеро, аклда танага жон ато килиш кудрати йўқдир, унда тирилтириш кудрати ҳам йўқ, Аллох айтган: «Улар аввал ўлик бўлган, биз уларни тирилтирдик» (6.122) ва шу тариқа дилни тирилтиришни ўз зиммасига олди. Шунда у: «Биз унга одамлар орасида ўзи билан олиб юрадиган нур (иймон)ни ато этдик» (6.122) деди. Яратгувчи айтди: «Мўмин бандаларимга таралиб турган нур мендирман». Шунингдек, у яна айтди: «Ва калбини бизни зикр этишдан гофил килиб қўйган, ҳавойи нарсага кул бўлган, килар иши исрофгарчилик бўлган кишиларга эргашган ҳамда (ўзларининг ҳам) килган ишлари исрофгарчилик бўлган кимсаларга итоат этманг!» (18.28). Модомики дилга Аллох жон ато этган экан, унда гайри илохий бўлган ҳамма нарса – баҳона ва сабаб эканлигини билган кишига ана шу баҳона ва сабабни Яратганнинг иноятисиз тушунтириб бериш мушкулдир. Шу пайтгача биз «Кашф ал-махжуб» асаридаги изохларни келтирдик, зеро бунга банди оғизнинг билимлари камлик килади.

Барҳаёт хидоятнинг насими эсган чоғ дил гулшанида иймоннинг гунчаси очилур. Агар Аллох бандаларини хидоят сари бошламай қўйса, унда Од кавмининг тўзонлари кўтарилиб, дил гулшанидаги гулларни томири билан кўпориб ташлайди ва гуллар очилмасдан нобуд бўлади.

Фард:

Болта ўтин ёрган каби бегумон,
Тонг ели учирар гул баргин ҳар ён.

Чунончи, Пири Хирот Хожа Абдуллох Ансорий (Аллох уни раҳмат килсин) айтди: «Абу Жаҳл Каъбадан чикди, Иброҳим Халил бутхонадан чикди. Ҳар икковиям Аллох иноятига сазовор бўлиш умидида чиқишди, колган барчаси мақсадга эришиш йўлидаги баҳонадир».

Бу муқаддимадан мақсад Туглук Темурхоннинг исломга кириш сабабини кўрсатишдир. Унинг олдида Шайх Жамолиддинни келтирдилар, карашса, хон итларни тўнгиз гўшти билан бокиб ўтирарди.

Хон сўради: «Эй тожик, сен яхшироқми ёки бу итми?» Шайх (Аллох уни раҳмат килсин) жавоб берди: «Агар иймон мен билан бўлса, мен яхшироқман, иймон мен билан бўлмаса, ит мандан яхшироқдир». Бу сўзлар хонга каттик таъсир килди ва унинг дилида исломга муҳаббат қарор топди ва қодир Аллох бунга изн берса, биз ҳам бунинг шарҳини битурмиз.

Туглук Темурхон Эсан Бугахоннинг ўғлидир. Мана, Эсан Бугахоннинг шажараси: Эсан Бугахон ибн Дувожихон ибн Барокхон ибн Каро Ису ибн Мотукан ибн Чигатой ибн

Чингизхон ибн Йасукой ибн Биртон ибн Кобил ибн Тумана ибн Бойсунгар ибн Кайду ибн Думанин ибн Буко ибн Бузанжирхон, у Аланкува Кўрклукхоннинг ўгли эди. Аланкува жуда пок аёл бўлган. У ҳақда «Зафарнома»да шундай хикоя қилинади: «Туйнукдан унинг уйига бир ёруклик нури тушди ва у нур Аланкуванинг оғзига кирди, шундан сўнг у ўзининг хомиладор эканлигини сезди, бу ҳудди Жаброил алайҳиссаломнинг нафасидан Имроннинг кизи Марямда эркак дахлисиз хомила пайдо бўлганига ўхшайди» .

Фард:

Марям киссасини эшитсанг тилдан,

Аланкува холин англайсан дилдан.

Ушбу китобнинг – бу хикоялардан максоди шуки, Бузанжирхон онадан отасиз тугилди. Онаси Аланкува Кўрклукка келсак, унинг номи барча тарихий битикларда қайд этилган ва у Нух алайҳиссаломнинг ўгли Ёфас (уларнинг рухлари шод бўлсин) га бориб такалади. Аланкува Кўрклукнинг боболарининг ҳар бири тарихларда зикр этилган, улар ҳақида хикоямиз чўзилиб кетмаслиги учун бу ерда тўхтаб ўтирмаймиз.

Бу китобда, илгари айтилганидек, мўғулларнинг исломни қабул қилганларидан кейинги ҳолати зикр этилади, ундан олдингиси тилга олинмайди. Китобнинг бошида бу ҳақда тўхталган эдик.

Иккинчи фасл. Туглук Темурхон ҳаётининг дастлабки даврлари.

Мўғулларнинг ишончли кишилари оғзидан эшитганим ва отам ҳамда амаким (Аллоҳ таоло уларга беҳишт боғларидан жой ато қилсин)нинг хикоя қилишларича, Туглукнинг отаси Эсан Бугахоннинг катта хотинининг оти Сотилмиш Хотун, иккинчисининг оти Менглихон эди. Сотилмиш Хотун тугмас эди. Хон лашкарлари билан урушга кетади. Мўғулларнинг қадимий удумига кўра энг катта хотин ҳарамдаги аёллар устидан ҳукм юргизиш ҳуқуқига эга бўлади. У қимни хоҳласа ҳарамда қолдирад, хоҳламаганини истаган кишига тортиқ қилиб юборар эди. Сотилмиш Хотун Менглик Хотуннинг хондан хомиладор эканлигини билиб қолиб, ҳасади келиб, уни Шировул дўхтуйга бериб юборади. Шировул дўхтуй улуг амирлардан эди. Хон юришдан қайтиб келиб Менгликни сўраганида Сотилмиш Хотун: «Мен уни бир кишига бериб юбордим» деди. Хон: «У мендан хомиладор эди» деди. Хон ҳафа бўлди, мўғулларда одат шундай бўлганлиги боис у ҳеч нарса демади. Кўп ўтмай Эсан Бугахон оламдан ўтди. Мўғуллар улусида хон қолмади; мўғуллар ҳар бири ўз хоҳишича яшай бошлади ва улус ҳаробликка юз тутди. Шунда менинг бобоқалоним, Эсан Бугахон даврида Қошғар ҳукмдори бўлган амир Буложи дўғлат, давлатда интизом ўрнатиш учун бирорта хон топишга қирди. У – Тоштемур исмли кишини Шировул дўхтуй ёнига юборди ва Менглик ҳолидан, унинг боласидан ҳабар топишни, агар ўғил тугилган бўлса, уни ўғирлаб олиб қелишни унга топширди. Тоштемур айтдики: «Бу ишни бажаришга катта муддат керак, йўл озукаси ва ажратилган отлар қамлик қилади. Марҳаматингиз билан менга уч юз туёқ эчки ажратингки, биз мақсадга эришмоқ учун элатма-элат юрганимизда уларнинг сўтидан ичайлик». Амир Буложи у

сўраган хамма нарсани бериб, уни жўнатди.

Тоштемур бутун Мўгулистон бўйлаб узок кезди. Шировул дўхтий юртига етиб борди. У ерда Менглик ва унинг боласини суриштирди. Айтдиларки, Менглик бир ўгил туккан, дўхтуйдан ҳам бир ўгил кўрган, улар бирга туришади. Хоннинг ўглига Туглук Темур деб, Шировулнинг ўглига Инжу Малик деб от қўйишди. Хуллас, у бир йўлини килиб Туглук Темурни олиб кочди ва амир Буложи хузурига йўл олди.

Амир Буложи Оксувда эди. Чигатойхон ўз мулкини таксимлаган пайтда Манглай Субени («Кунгай тараф» дегани) амир Буложининг бобоси Уртубуга берган эди. Манглай Субенинг шаркида Кусан ва Торбугур, унинг гарбий чегарасида эса Сомгар билан Фаргона вилоятининг чеккаси хисобланмиш Жокисман жойлашган эди. Унинг шимолида Иссиқкўл, жанубида Чарчон ва Сарик Уйгур жойлашган эди. Ушбу худудни Манглай Субе деб аташар ва у амир Буложи тасарруфида эди. Ўша пайтда бу ўлкаларда кўплаб шаҳарлар бор эди. Улардан энг йириклари Кошгар, Хўтан, Ёрканд, Ўзганд, Косон, Ахсикат, Андижон, Оксув, Отбоши, Кусан шаҳарлари эди. Амир Буложи булар ичидан ўз қароргоҳи килиб Оксувни танлади.

Тоштемур хонни олиб қайтиб келганида унда бор-йўги битта кўк эчки қолган эди, шу боисдан унга «Кўк эчку» деган лақаб беришди. Хозиргача авлодларида шу лақаб сакланиб қолган.

Улар Оксувга яқин қолишганда бир қарвонга ҳамроҳ бўлишди. Муз билан қопланган Музот довоидан ўтишаётганда хон музли дарага тушиб кетди. Тоштемур дод-вой қилди, аммо ҳеч ким унга эътибор қилмади. Довондан ўтаётганда қарвон тўхтади. Тоштемур савдогарлардан бирининг ёнига борди, унинг исми Бекжак эди, унга хон воқеасини айтиб берди, у воқеани ўз ҳамроҳларига билдирди. Улар Тоштемур билан биргалашиб музли дара олдига боришди. Бекжак пастга тушиб, хонни соғ-саломат топди. Шу ернинг ўзида хоннинг ваъдаларини олиб, эҳтиёт юзасидан, хондан узр сўраб деди: «Агар биринчи бўлиб сиз юқорига чиқсангиз, эҳтимол мени тортиб олишмас. Аввал, мен чиқаман, сизни бўлса сўзсиз тортиб олишади». Астойдил узр сўраб бўлгач, аркон ташланглар, деб қичқирди. Аркон ташлашгач, аввал у чиқди, сўнгра хонни чиқариб олишди. Биргаликда уни Оксувга, амир Буложи хузурига олиб боришди. Амир Буложи уни хон кўтарди. Туглук Темурхон ўз ҳукмронлиги даврида нафакат бутун Мўгулистонни, балки Чигатой тасарруфидаги ерларнинг катта қисмини эгаллаб олди, бу ҳақда хали сўз юритамиз.

Учинчи фасл. Туглук Темурхоннинг ислонни қабул қилгани баёни.

Ожиз банда Мавлоно Хожа Ахмад (Аллох унинг сирларини муқаддас қилсин) Мавлоно Аршадиддин авлодларидан бўлиб, бағоят ҳурматли, ҳудожўй, авлиё киши эди ва Хожагон силсиласига мансуб эди (Аллох уларнинг дилларини равшан қилсин). Камина йигирма марта унга таъзимга келдим. Унга таъзим қилмок учун иккита жомеъ масжидидан ўзга жой топа олмадим. У ҳамиша узлатда, ўз ибодатхонаси бурчагида

юзини киблага бурганча, Аллохга махлиё бўлган ҳолатда ўтирарди. У ўзи мансуб бўлган мазҳабдаги авлиёларнинг сўзларини жуда яхши ифода этганидан ҳатто ҳеч бир алоқаси бўлмаган одам ҳам шубҳасиз уларнинг таъсирига тушиб қоларди. Мен унинг шундай ҳикоя қилганини эшитганман: «Менинг аجدодларим ҳақида тарихий битикларда мана бундай деб ёзилган: «Мавлоно Шужоиддин Маҳмуд (Хафизиддин Кабир Бухорийнинг иниси) сўнгги мужоҳидлардан бири эди, ундан сўнг бошқа мужоҳид дунёга келмади. Чингизхон даврида Бухоронинг барча имомларини тўплаб, Чингизхон ўрнатган тартибга мувофиқ Хожа Хафизиддинни шаҳид қилишди. Мавлоно Шужоиддин Маҳмудни эса сургун қилиш одатига кўра бутун оиласи билан Қорақурумга жўнатишди. Мавлоно ўша ерда вафот этди. Қорақурумдаги тартибсизликлар пайтида унинг ўгли Турфон ва Ҳўтан оралигидаги кўзга кўринган шаҳарлардан бўлган Луб ва Катакка кетди. У ерда уни иззат-ҳурмат қилишар, бир қанча издошларни тарбиялаган эди. Мавлоно Хожа Аҳмад уларни тўлиқ келтирган эди ва ҳар бирининг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилар, аммо ҳикоянинг тўлиқ тафсилоти хотирамда аниқ қолмаган. Сўнггисининг исми Шайх Жамолиддин эди. У юксак билим эгаси эди ва Катакда яшарди. Бир куни жума намозидан сўнг у амри маъруф ўқиди ва одамларга қарата деди:

«Шу пайтгача биз сизларга кўп бора амри маъруф ўқидик, бироқ ҳеч ким бунга қулоқ солмади. Мана энди маълум бўлдики, қудратли ва қодир Аллох бу шаҳар бошига қатта балою офат юборипти. Мен бу шаҳардан қочиб, балодан қутулмоқ учун ўзидан имдод олдим. Бу менинг сўнгги амри маъруфим, менга изн беришларингни сўрайман ва сизлар билан ҳайр-маъзур қиламан, негаки биз энди қиёмат куни учрашамиз».

Шайх минбардан тушди. Масжид муаззини унинг ортидан борди ва йўлга отланаётганини кўрди. У Шайхнинг сўзларига тўлиқ ишонди ва унга ҳамроҳлик қилишга руҳсат сўради. Шайх: «Яхши бўлади» деб марҳамат қилди ва муаззин унга ҳамроҳ бўлди. Улар шаҳардан уч фарсах нарида тўхташди. Кейин муаззин Шайхнинг руҳсати билан шаҳарга қайтиб, қандайдир муҳим бир ишни бажарди ва тагин Шайх ҳузурига жўнади. У жоме масжиди ёнига етаёзганда йўлақай ўйлади: «Кел, ҳуфтон намозига азон айтай». У минора тепасига чиқиб, азон айтди. Азон айтаркан, осмондан қуп-қурук қор мисол бир нарса тўкилаётганини пайқайди. Азон айтиб бўлиб, бироз турди, Аллохга сизинди ва пастга тушди. Кўрдики, минора эшиги очилмаяпти. Чиқишга йўл топмасдан, яна минора тепасига қайтиб чиқди-да, атрофига назар ташлади. Шунда у осмондан қум ёғилиб, бутун шаҳарни қоплаётганини кўрди. Бироздан сўнг у замин яқинлигини пайқайди. Диккат билан тикилиб, ергача бир-икки қадам қолганини кўрди, пастга сакраб тушиб, кўркувдан титраб-қакшаганча, жадал йўлга тушди. Ярим кечаси у Шайх ёнига етиб борди ва бўлган воқеани унга айтиб берди. Шу заҳоти Шайх йўлга тушди ва: «Яхшиси Аллохнинг газабидан узоқроққа қочайлик» деди, улар қочишди.

Ўша шаҳар ҳозир ҳам қум остида ётипти. Ахён-ахёнда шамол қумларни учирганда миноранинг тепаси ёки гумбазнинг юқори қисми кўзга ташланади. Баъзан шундай бўладики, шамол уйни тамоман очиқ ташлайди ва уй ичига қириш мумкин бўлиб қолади. Барча уй-рўзгор буюмлари жой-жойида, ҳеч бир шикаст етмасдан турибди, уй эгаларининг суяклари бўлса оқариб кетган. Бунақасини кўп марталаб кўришган. Шундай қилиб, қум остида қолган Катак шаҳри қатта шаҳар бўлган.

Қискаси, Шайх у ердан Оксуга ёндош бўлган Ойқўлга келди. Бу пайтда Туглуқ Темурхон Оксуга эди. Уни Оксуга келтиришганда ўн олти ёшда, Шайх билан учрашганда эса ўн саккиз ёшда эди. Учрашув шундай юз берди: хон ов қиларди, ҳеч ким овдан бўйин товламасин, деб буйруқ берди. Ов пайтида улар кўришдики, бир жойда бир нечта

одамлар лаш-лушлари билан ўтиришибди. Хизматкорлар бориб, уларни тутиб, кўлларини боғлаб, хон хузурига келтиришди, сабаби улар буйрукни бажаришмаган ва овда иштирок этишмаган. Хизматкорлар хондан, буларни нима килайлик, деб сўрашди. Хон: “Нега буйругимни бажармадинглар?” деб сўради. Шайх тушунтирди:

“Биз гариб кишилармиз, вайрон бўлган Катакдан келяпмиз, овдан, сизнинг буйругингиздан хабаримиз йўқ эди, акс холда буйругингизга хилоф иш қилмаган бўлардик”. Хон ўша аснода бир нечта итга тўнгиз гўштини едириб ўтирарди ва газаб ичида сўради: “Сен яхшироқми ёки мана бу итми?” Шайх жавоб берди: “Агар иймонли бўлсам, мен яхшироқман, бордию иймонсиз бўлсам, унда ит мендан яхшироқ”. Хон шу захоти туриб кетди, бир одамани юборди ва ўз отига ўша тожикни ўтказиб, иззат-хурматини жойига қўйиб, қароргоҳга олиб келишини буюрди.

Ўша мўгул ўз отини Шайх олдида қўндаланг қилди. Шайх қараса, бутун эгар тўнгиз қони ила булганган, шунда: “Мен яёв бораман” деди. Мўгул, буйрук шунақа, отга мининг, деб туриб олди. Мавлоно таҳорат сочигини эгарга ёпиб, отга минди. Қелиб қўрдики, ёлғиз ўтирган хон устида ҳам қон излари бор эди. Шайх қелгач, хон ундан сўради: “У нима эканки, ўшанга эга бўлган одам итдан яхшироқ бўлади?”. “Бу иймон” деди Шайх ва мусулмон дини ҳамда мусулмончилиқни аниқ изоҳлаб берди. Хон йиглаб юборди ва агар мен хон бўлиб, мустанкиликка эга бўлсам, ўшанда сиз, албатта, менинг ёнимга қеласиз ва мен сўзсиз мусулмон бўламан, деди-да, Шайхни ҳурмат-эътибор билан қўзатиб қўйди.

Бу воқеадан кейин Шайх оламдан ўтди. Унинг Мавлоно Аршадиддин исмли ўғли бор эди, у ҳам ҳаққа етган инсонлардан эди. Шайх ўғлига васият қилди: «Бир туш қўрдим, гўё қироқни қаланд бир жойга қўйибману бутун машрик томон ёришган эмиш. Шундан кейин мен Оксудда Туглуқ Темурхон билан учрашдим». Сўнгра, ҳозиргача қикр этилган воқеаларни унга гапириб берди ва сўзида қавом этди: «Менинг умрим етмади, энди сен йигитнинг қон таҳтига ўтиришини қут, ўшанда унинг ёнига қор; эҳтимол у ўз ваъдасини қажариб, қсломи қабул қилар. Бу саодатмандликка йўл қўрсатувчи сен бўлқил, тоқи бутун дунё сен туфайли мунаввар бўлсин». Шуларни васият қилди-да, Шайх дунёдан қўз юмди.

Қўп ўтмай Туглуқ Темурхон қон бўлди. Бу қабар Мавлоно Аршадиддинга етган захоти у Оксуддан Мўғулистонга жўнади. Қон улугвор ҳукмдор эди, Мавлоно у билан учрашишга ва мулоқот қилишга қанча уринмасин, бунга муяссар бўлолмади. Шунда у қон қароргоҳига яқин жойда қар қонгда азон айта бошлади. Бир қуни қонгда қон ўз мулозимларидан бирини қажариб: «Қана бу товушни эшитяпсанми? Анча қундан қери қонг мақали қимқир қана шундай қикқиради. Қориб уни қелтир», – деди. Мавлоно жаноблари қали азонни тўхтатмай ўша мўгул қайдо бўлди-да, Мавлонони қирибонидан тутиб, қон қошига судраб қелди. Қон уни ёнига қорлаб: «Сен қандай одамсанки, қар қуни қонгда, уйқунинг энг ширин қайтида дод соласан?» деб сўради. «Қен бир вақтлар сен мусулмон бўламан, деб ваъда қерган одамнинг ўғли бўламан» деди у ва юқорида қикр этилган ҳикояни айтиб берди. Қон эса: «Яқши, нега сен қелдинг, отанг қарда?» деб сўради. Мавлоно: «Отан вафот этди ва бу ишни менга васият қилди» деди. Қон айтдики: «Қон қўтарилганимдан буён шундай сўз қерганимни доимо ёдга оламан, ўша одам эса қелмасди, сен энди қуш қелибсан. Нима қилиш қерак?».

Ўша қонг ҳидоят офтоби иноят машригидан қикиб, қофирнинг қоронгу қечасини ёритди. Мавлоно жаноблари қонни қусл қилдириб, иймон моҳиятини тушунтирди. Қон мусулмон бўлди. Бундан таққари, улар қсломи ошқора тарқиб қилиш ва ёйиш режасини туздилар ва қелишдиларқи, амирларнинг қар бирини яққа-яққа қажариб, қсломи қабул қилишга

буюришади, мабодо кабул килишмаса, мукаддас Куръоннинг «Кофирларни кининглар!» деган ояти ишга солинади.

Белгиланган куни биринчи бўлиб амир Тўлакни чорладилар, у ожиз бандага она томондан аждод хисобланади, ўша пайтда дўғлат унвонига эга эди. Хон хузурига киргач, караса, хон аллакандай тожик билан ўтирипти. Амир Тўлак ҳам кириб ўтирди. Хон сўз бошлади ва уни исломга даъват килди. Амир Тўлак йиглаб юборди-да деди: «Мен уч йил бурун Кошгар мўминлари хузурида ислом динини кабул килиб, иймон келтирган эдим. Сиздан кўркиб, буни ошкор килмагандим. Иймон келтирмоқдан-да ортик саодатмандлик борми?». Хон ўрнидан туриб уни кучоклади. Мусулмонлар учта бўлди. Кейин худди шу тахлит амирларни бирма-бир чакириб, исломга даъват килишди, навбат амир Журсага етди. У рад килди ва: «Менинг Сангуй Буга исмли бир одамим бор. Агар манави тожик ўшани йикитса, мен исломга кираман», деган шартни кўйди». Бу канака бемаъни шарт? – дейишди хон ва бошка амирлар. Мавлоно:

«Майли, шундай бўла колсин, агар мен уни йикитолмасам, унда сени мусулмонликка даъват килмайман», деди. Хон Мавлонога караб деди: «Мен ўша одамни биламан. У икки ёшли туяни кўтара олади. У – кофир, у бани Одам тоифасига кирмайди». «Хамма нарсага кодир Аллох агар истаса, менга, албатта, куч-қувват беради», деди Мавлоно. Хон ва исломни кабул килган кишилар бунга рози бўлишмади. Нима бўлганда ҳам, улуг одамлар жам бўлишди, ўша кофирни олиб келишди, у олдинга чиқди. Мавлоно ҳам ўрнидан туриб, олдинга чиқди. Ул кофир, ўз кучига мағрур бўлиб, гердаийб, такаббурларча якинлашди; Мавлоно унга беҳад арзимас бўлиб кўринди. Улар бир-бирларига кўл узатишганда, Мавлоно унинг ёкасида олди ва кофир ерга беҳуш кулади. Бир канча фурсат ўтгач, у ўзига келиб ўрнидан турди, калимаи шаҳодатни тилига жо килиб, йиглаганча хазрати Мавлононинг оёқларига ўзини ташлади. Халойик шовкин-сурон кўтариб, бакириб юборди. Ўша куни дархол сочларни кириб ташлашди ва бир юз олтмиш минг киши мусулмон бўлди. Хон ўзини-ўзи хатна килди. Ислом нурлари жаҳолат коронгулигини йўқ килди ва ислом Чигатойхон юртида ошкора бўлди. Алхамдулиллох, бу кунларгача ушбу хонадони олий макомида ислом нури барқарордир. Шундан сўнг бахтиёр хон ўз аждодларидан фаркли ўларок диннинг барқарорлиги учун ҳаракат килди, бу ҳақда хали сўз юритилади. Факир бу тафсилотларни Мавлоно Хожа Аҳмаддан (Аллох жамолини кўриш унга насиб этсин), ёкимли инсондан эшитганман. Туглук Темурхоннинг Мавлоно Аршадиддин туфайли мусулмон бўлгани ҳақида мўғулларда бундан бошка маълумот йўқ. Бу ҳақдаги муфассал маълумотни ҳеч ким билмайди. Туглук Темурхоннинг бутун ҳаётига келсак, бу ҳақда мўғуллар тилида биронта гап йўқ, бироқ унинг ҳаёти ҳақида «Зафарнома»да маълумотлар бор, биз уларни ўша китобдан оламиз.

Тўртинчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма. Туглук Темурхоннинг Мовароуннахрга лашкар тортгани баёни.

Мовароуннахр вилояти зикр этилган вокеалар туфайли таркалиб кетган эди. Туглук Темурхон Эсан Бугахоннинг ўгли, Эсан Бугахон Дувохоннинг ўгли эди, Чигатой наслидан бўлган Дувохон мўгул вилоятида подшоҳ эди. Ўзига карашли одамларини йигиштириб, етти юз олтмиш биринчи йилнинг рабиъ-ас-соний ойида (январ 1360), сичкон йилида лашкар тортиб, Мовароуннахр томон умид кўзини тикди. Тармаширин хондан бери ўттиз уч йил ўтган, бу муддат ичида саккиз хон Чигатой улусида подшоҳлик килдилар. Туглук Темурхон Тошканд атрофидаги Хўжанд дарёси якинида жойлашган Чанок Булокка етганда амирлари ва беклари билан кенгаш уюштирди. Шунга келишилдики, аймоги қараит бўлган Тук Темур, аймоги арканут бўлган Хожибек, аймоги қангли бўлган Бекжак кўшиннинг олдида боришади. Бу уч бек хон амрига бўйсундилар. Хўжанд дарёсини кечиб ўтишгач, амир Боязид жалойир бутун кўл остидагилар билан бирга буларга кўшилди ва ҳаммалари иттифок бўлиб, Шахрисабз сари юрдилар. Амир Хожи барлос Шахрисабз ва Қарши лашкарини тўплаб, мудофаа ва уруш қилиш мақсадини кўзлади. Аммо ўз-ўзи билан фикрлашиб, қарор қилдики, бу қелган лашкарга қучи етмайди. Нихоят улар етиб қелмасларидан бурун бутун эл-улуси, қиши-қаросини йигиб, Хуросон сари жўнаб кетди.

Фард:

Тадбир билан ҳар мушкул битсин,
Соғлиқ қерак, жанг-жадал – йитсин.

Бешинчи фасл. “Зафарнома”дан кўчирма. Ҳазрат Соҳибқироннинг Амир Хожи барлос билан қенгашиб, Аму дарёсидан кечиб ўтиб Шахрисабз вилояти сари қориб, Туглук Темурхоннинг беклари билан мулоқот қилгани баёни.

Ақл қасоратдан олдин қуради,
Аввал идрок, қейин қурият туради.

Иққиси бирлашса қорми, оламда:

Энг юқсак қўққилар қабт этилади.

Ҳар нарсани қилқувчи қудратли Аллох ўз қудрати билан бирор ишни амр қилса, қунга албатта бирорта сабабни ҳам қўрсатади. Бирор мақсадга эришмоқ қерак бўлса, бу ҳам бирорта воқеа воқитида юзага қилади. Барча ишлардан улуг бўлган подшоҳлик эса, инсонга иққита ноёб қислат туфайли иноят қилинади.

Биринқиси – ўтқир ақл-қаросат бўлиб, унинг нури бирла қоронгу қечада ҳам нажот йўли топилади.

Фард:

Ўтқир қилич қопар юзта ақарни,

Ақлинг енга олур бутун лашқарни.

Иққинқиси – шиқоат ва бақодирлик бўлиб, қундай одам қизқин жанг олатасири пайтида ҳам душмандан тап қортмай, урушади ва қалабага эришади.

Холингни танг килиб келса фалокат,
Даф килар ботирлик хамда шижоат.

Акл-фаросат шижоатдан устунрокдир. Килич ва камонга нисбатан тадбирдан фойда кўпроқдир. Килич хар канча ўткир бўлса ҳам галаба оятини (ояти фатх) тадбирдан ўрганади ва найза майдон ичида шамдай ёруғ кўринса-да, зафар шамъи тадбир нуридан ёришади. Агар килич ҳаракати тадбир билан уйғунлашса, душманнинг бўйнига аник тушади. Агар камон тадбир билан тортилса, ўк душман юрагига аник санчилади.

Байт:

Окилона тадбир, дадил ҳаракат
Юзта лашкардан ҳам афзалдир албат.

Бу сўздан мақсад булким, Амир Хожи барлос мўғул лашкаридан кўркиб, ўз қадимги юртини ташлаб, Хуросон сари юриш килиб, Жайхун соҳилига етган пайтда Ҳазрат Соҳибқирон, яъни Амир Темур Кўрагон

Байт:

Осмондек бағри кенг, Уммондек саҳий
Аллоҳ инояти мудом унга ёр –

аниқ билдики, агар у Хожи барлос билан борса, Шахрисабзда қолган уруғ-аймоғию эл-улуси батамом ҳонавайрон бўлади. Сабаби отаси Амир Тарагай ўша йили Тангри раҳматига борган эди.

Назм:

Отаси ўлдию гам босди тамом,
Ғанимдан вилоят кўп бесаранжом.
Муҳолиф иш узра, эл-юртда хатар,
Бало бургутлари ёзган қанот, пар.

Бу маҳалда унинг муборақ ёши ҳали йигирма бешдан ошмаган, унинг қалби кўзгусида ҳали замон синоатлари ўз заңларини қолдирмаганига қарамасдан, Аллоҳнинг чексиз инояти ва мадад нурлари акс этиб турган акл-фаросатини мана шу хавфли ҳолатни окилона бартараф қилишга йўналтирди. У Куръони қаримдаги «...ишларингизда уларга маслаҳат солинг!» (3.159) деган ояти қаримага риоя қилиб, Амир Хожи барлоснинг қалб қитобига маслаҳат сифатида қуйидаги сўзларни зикр этди: «Агар мамлакат ҳукмдорсиз қолса, у парокандаликка юз тутди ва бутун эл-улус душман зулмидан азият чекади.

Ҳокимсиз юрт жонсиз тана мисоли,
Маълумдир бошсиз тан не кечар холи...

Маслаҳат шуки, сиз Хуросон томонга юриш қилсангиз, мен эса Шахрисабзга қайтсам, халқни тинчлантириб, у ердан кейин хон ҳузурига бораман. Мамлакат ҳароб бўлмаслиги, Парвардигорнинг бандалари заҳмат ва ташвиш чекмасликлари учун беқар ва давлат аъёнлари билан учрашаман».

Амир Хожи барлос, Аллоҳдан қолган илҳомнинг меваси бўлган бу сўзлардан саодат ва иқбол исини туйиб, фикрини маъқуллади. Ҳазрат Соҳибқирон ундан айрилиб, Шахрисабз вилоятига жўнади, Хузорга етганда, мўғул лашқарини бошлаб қелиб, ўша вилоятни талон-тарож қилмоқчи бўлган Хожи Маҳмудшоҳ Ясурийга дуч қелди. Ҳазрат Соҳибқирон уни кўриб: «Сиз шу ерда биров қутинг. Мен бориб беқар билан учрашай, улар нима маслаҳат беришса, шуни қиласиз», деди. Ҳазратнинг бу сўзларини у Аллоҳнинг амри деб қабул қилди ва олдинга юришга иштиёқлари жуда қаланд бўлса-да, шу ерда тўхтади. Ва Ҳазрат Соҳибқирон Шахрисабзга эсон-омон етиб қелганда, мўғул беқари ҳам ўша ерга етиб борган эдилар. Ҳазрат ўша учта беқ билан учрашди. Улар унинг юзида илоҳий нур

аксини кўрганлари боис, унинг «Хонга (Туглук Темурхон) итоат этмок керак», деган сўзларини бажонидил кабул килишди. Беклар Шахрисабз вилояти доругалигини ҳамда Карочорбек вилоятини бутун атроф туманлари билан унга бердилар ва унинг акл билан иш юритиши туфайли ўша вилоятлар бошига ёгилган бало-казолар дафъ бўлиб, эл-улус умидини ҳам узиб қўйган марҳамат ёмгири ёга бошлади.

Рубоий:

Гам сенинг туфайли шодмонлик бўлсин,

Умр назарингдан мангулик бўлсин.

Даргохинг хокин ел элтса дўзахга

Оловлари оби хаёт – ичимлик бўлсин.

Узокни кўролмайдиган кишилар Сохибкироннинг елкасига бахт куши кўнди, деб хисобласалар ҳам, аммо тақдир куйидаги байт маъносини минг хил йўсинда кўрсатиб туради:

Исингни сабо таратмади элга хали,

Сен бўл жахонда сабо сенга эсгали.

Хазрат Сохибкирон мўгул беклари билан мулокот килгандан сўнг, вилоятлари сари кайтди ва бутун диккат-эътиборини давлатни бошқариш ва химоя килишга қаратди.

Шахрисабздан то Жайхун дарёсигача бўлган ерлардан барча сипохийларни йигишга буйруқ берди, тез орада катта кўшин тўпланди. У ердан отланиб Амир Хизр Ясурий билан бирлашди. Бу маҳалда Мўғулистон беклари орасида келишмовчилик пайдо бўлиб, у ердан кўчиб, Туглук Темурхоннинг ўрдасига боришди. Боязид жалойир эса ўз одамлари билан хазрат Сохибкирон ва Хизр Ясурий қошига келдилар.

Олтинчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма. Туглук Темурхоннинг Мовароуннахр вилоятига иккинчи маротаба лашкар тортмогининг баёни.

Туглук Темурхон Мовароуннахрни ўз тасарруфига олиш иштиёки билан иккинчи навбат у ёкка юриш килишни ихтиёр килиб, сон-саноксиз кўшин тўплади ва етти юз олтамиш иккинчи йил жумодил аввал оyi (март 1361), сигир йилида ўша ўлкага лашкар тортди. Хўжандга етганида Амир Боязид жалойир итоат камарини белга боғлаб, хонни кутиб олишга чикди ва Амир Баён сулдуз ҳам итоат йўлига кирди, унинг истикболига чикиб Самаркандгача борди. Амир Хожи барлос биринчи гал унга итоат этмаганига қарамай, таваккалига – Аллох қарамадан умид килиб, хонга пешвоз чикди.

Шунда хон, Амир Боязидни тутиб ўлдирилглар, деб буюрди. Бундан кўркиб кетган Хожи барлос қочмоқликни ихтиёр килди ва Шахрисабз вилояти сари жўнади. Ўзига тобе одамларнинг бир қисмини Жайхун дарёсидан ўтказди. Мўгул лашкаридан кўпчилиги унинг изидан қувди, етиб олгач, жанг бўлди. Жугом барлос бу урушда шахид бўлди. Амир Хожи эса Хуросонга кетди. У Сабзавор вилояти кентларидан бири Хорошага етиб келганида, Жувайн шаҳридаги бир гуруҳ безорилар уни укаси Идигу барлос билан кўккисдан тутиб олиб, икковини ҳам ўлдирдилар.

Хазрат Соhibкирон Хуросонни олгандан кейин ўша кентдаги кўплаб ёмон одамларни ўлдириб ўч олди ва Хороша кентини Амир Хожи ворисларидан бирига суюргол килиб берди. Хозиргача ўша кент Амир Хожи авлодларига тегишлидир.

Мўгул бекларидан аймоги кирликут бўлган Хамидбек окил ва доно киши бўлиб, Туглук Темурхон қошида обрў-эътибори баланд эди ва у маслахат ёки истак тарзида хонга нима деса, сўзи ўтар эди. Бир куни у хонга Хазрат Соhibкироннинг мислсиз матонати хакида сўзлаб, оталаридан қонуний мерос бўлиб қолган вилоятни Хазрат Соhibкиронга беришини сўради. Хон бунга рози бўлди ва унга чопар юбориб, Хазрат Соhibкиронни ўз хузурига қорлади. Хамидбек ҳам мактублар битиб, хоннинг шафқатини хабар қилди. Ул Хазрат хон хизматида келиб, ундан қатта иззат-эътибор топди. Хон Хазратга ворисий Қеш вилояти ва унга тобеъ туманларни қортик қилди.

Ўша қиш хон Амир Хусайнга қарши уруш бошлашга қазм қилди. Амир Хусайн ҳам лашқар тўплаб, Вахш қарёси соҳилига келиб тўхтади. Хон Қарбанди Оханидан ўтиб, ўша ерга етганида ва иққала қарафнинг асқарлари бир-бирларини қўриб сафга тизилганларида Қайхисрав Хатлоний ўз қўли остидагилар билан бирга Амир Хусайнни қарк этди, сафни бузиб, хон лашқарига қориб қўшилди. Амир Хусайн буни қўриб қочишга тушди, қолиб хон лашқарлари унинг ортидан қувиб, Қайхун қарёсидан ўтиб, Қундузгача қоришди. Унинг асқарлари ўша кент ва туманлардаги эл-улусни Хиндукуш довоғига қалон-қарож қилдилар. Ўша йилнинг баҳор ва ёзини шу қомонларда ўтқаздилар.

Еттинчи қасл. «Қафарнома»дан қўқирма. Туглук Темурхоннинг ўз қойтахтига қайтиб қоргани баёни.

Қузда хон Самарқандга йўл олди ва йўлда Баён сулдузни оқишга буйруқ берди. Самарқандга етганда бутун Мовароуннахр мамлақати унинг қасарруфига қирган эди. Қарча амирлару нўёнлар истаса-истамаса унга бўйсунилди. Қўнглида шубхаланган қар бир қишини қазога қорди, ўзига итоатда бўлганларга лутфу иноятлар қўрсатиб, ўгли Илёс Хожа Ўғлонни Мовароуннахрга қодшо қилиб, Бекжак бошчилигидаги мўгул амирларидан ва лашқарларидан энг сараларини унинг ихтиёрига берди, Бекжак мўгул амирлари ва лашқарларининг энг улуги ва муносиби эди. Хазрат Соhibкиронга алоҳида хурмат-иззат қўрсатиб, ўгли ёнида қолқирди. Хон Хазрат Соhibкиронда қатъият ва шон-шавқат белгиларини қўра билгани боис унга ўша мамлақат ишларини бошқаришни топширди-да, ўзи шон-шуқрат ва қалаба билан ўз салтанати тахтига қайтди.

Қафар мулозиму Аллох мадаққор,
Толеи баланду бахти унга ёр.

Туглук Темурхон Мовароуннахрдан қайтаётиб, мўгул амирлари устидан ҳуқмонликни Бекжакка, ўша мамлақат ишлари билан шугулланишни Хазрат Соhibкиронга юқлади. Амир Бекжак хон қўрсатган йўлдан юрмай зулм ишларини авжига қикариб, адоват ва тугёнга йўл қўйди. Хазрат Соhibкирон, хоннинг амри бақарилмаётганини ва давлат ишлари таназзулга юз тутаетганини қўргач, бу мамлақатдан қетишга ва Амир Хусайнни

излаб топишга қарор қилди ва шу мақсад билан йўлга тушди. Амир Хусайннинг қаердалигини билмасди, шу сабабли уни излаб чўлу биёбонларни кезди. Қисқаси, мўғулларнинг оғиздан-оғизга ўтиб келган маълумотларида Туглук Темурхон тасарруфида факатгина Самарқандгача бўлган ҳудуд эди, ҳолос, дейилади. Бундан ортиқ ҳеч нарса маълум эмас.

Бундан олдин эслатиб ўтганимиздек, Амир Буложи Туглук Темурхон хонлигига асос солган ва Туглук Темурхон унинг учун тўққизта имтиёзли фармон чиқарган. Бу имтиёзларни Чингизхон Амир Буложи аجدодларига берган эди. Фармон бизнинг оиламиз қўлида сақланган, мен уни кўрганман. Унда мўғул тилида «Кундузда битилган» деб ёзилган эди. Гап шундаки, мўғуллар шу фармон туфайли Кундузгача бўлган ҳудуд Туглук Темурхон тасарруфида бўлганлигини англайдилар. «Зафарнома»дан маълумки, хон 764 (1362-1363) йилда вафот этган. Мўғулларнинг оғзаки маълумотларига кўра Амир Буложи хонни калмоқлардан олиб келганида у ўн олти ёшда бўлган, ўн саккиз ёшида хон бўлган. Йигирма тўрт ёшида исломни қабул қилган ва ўттиз тўрт ёшида вафот этган. У 730 (1329-1330) йилда таваллуд топган.

Саккизинчи фасл. Илёс Хожахон ҳақида эслатма.

Илёс Хожахон ҳақида мўғуллар орасида ҳеч нарса маълум эмас. Фақир банда Илёс Хожахон ҳақида отам (Аллоҳ гўрини нурга тўлдирсин)дан эшитган гапларни эслайман, ҳолос. «Зафарнома»да у ҳақда гап орасида зикр этилади. Қуйида ўша эслатмалар келтирилади.

Тўққизинчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма. Амир Хусайн ва Ҳазрат Соҳибқироннинг Тойхон ва Бадахшонга ташрифлари ҳамда подшоҳлар билан сулҳ тузганлари баёни.

Амир Хусайн ва Ҳазрат Соҳибқирон биргаликда Кундуз тарафга азм этишди ва у ерда буролдай уругидан одамларни тўплаб, мақсад жиловини Бадахшон сари бурдилар. Улар Тойхонга етишганда, Обишўр (Шўрсув) дарёси бўйида муроса таъмини «Муроса қилмок – яхши иш» деган зиравор билан мазали қилдилар: Бадахшон подшоҳлари маслаҳат эшигини очиб, уларнинг истикболига очик юз билан чиқишди ва душманлик ҳамда келишмовчилик пардалари орадан кўтарилди. У ердан Арханг тарафга юзландилар. Дарёдан Солисарой томонга ўтиб, Хатлон томонга йўл олишди ва чўлга чиқишди. Чўлдан

ўтиб, Дашти Кўлак деган жойда чодир тикишди ва хар бир киши рохатланиб ором олмокни майл этди. Хазрат Сохибкирон хам тўн ва этикларини ечиб, истирохат килмокни жазм этганлари замон Амир Хусайн Сохибкиронни чорлаб келгани киши юборди. Сохибкирон келиб мажлисга кирганда у ерда Пўлод Буга билан Шер Бахромни кўрди. Амир Хусайн Сохибкиронга Шер Бахром устидан шикоят килиб: «Биз айни душманга дуч келган махалимизда у биздан айрилиб, уйига кетишни ихтиёр қияпти. У мурувват ва вафо йўлидан юришни истамаяпти» деди. Сохибкирон унга кўп насихатлар килди, у бўлса ўз сўзида туриб олди, бу куйидаги мисрада яккол ифода этилган:

Насихат сўзинг эшитгувчи кулогим йўк.

Амир Хусайн хам унинг ўжарлиги ва кайсарлигидан аччикланди, аммо шароит такозоси билан сабр килмокни афзал кўрди.

Назм:

Эр кишида бўлсин куч-кудрат,

Эш бўлса соз тамкину токат.

Нихоят Шер Бахром Балжувон тарафга жўнаб кетди. Шу пайтда, Туглук сулдуз ва Кайхусрав мўгул лашкарига бош бўлиб, кўплаб амирлар билан илгари келиб туришгани хакида хабар келди. Тумаканнинг ўгли Темур, Сарик, Шингум, Хожибекнинг иниси Туглук Хожа, Бекжак ўгли Куч Темур ва бошка хазора хамда кўшин беклари йигирма минг киши билан Жаладан то Пули Сангингача эгаллаб туришган эди. Хазрат Сохибкирон ва Хусайнбек кишилари олти минг кишидан ошмас эди. Сохибкирон «Канчадан-канча кичкина гурухлар Аллохнинг изни билан катта гурухлар устидан галаба килган» – (2,249) деган ояти каримадаги илохий мададга суяниб иш кўрди ва бахт-икбол кўзгусида Аллох инояти билан юборилган зафар нуруни кўриб, билар эдиким.

Назм:

Агар наханг билан тўлса хам уммон,

Дашту тоғлар шеру кашкирга макон

Кишига ёр бўлса илохий икбол,

Унинг бир тукига етмайди зиён.

Сохибкирон икки минг кишилик ботир лашкар билан жангари шерлардай ва оламини бузадиган селдай тоғдан куйига отилиб олдинга чикди ва Аллох мададига суяниб, душман сари юрди. Иккала тараф аскарлари Пули Сангин ёнида юзма-юз келишди, тонгдан, яъни, «Тонг вақтига касам» деган шохлик байрогини тикишган пайтдан бошлаб то ўз байрогини ёғочга ўрнатгунча «Зулмат билан чор атрофни коплаб олган кечага қадар касам» (93.2) жанг олови «Аланга ичида ёнмокда» (88.4) оятини эслатса, пиёда ва отлик аскарларнинг хужуми ва чекинишларидан ларзага келган замин «Қачон ер зилзила билан ларзага тушганида» (99.1) оятини эслатарди. Ўқларнинг учиши ерга тушаётган думли юлдуз нуридек кулоқларга етиб келарди; найзаларнинг ялтираши одамлар кўзи олдида гўё «Яшин уларнинг кўзларини кўр килгудек бўлади» (2.19) оятига мос эди; Киличнинг тиги «у отларнинг бўйни ва бошини «силай» бошлади» (38.33) оятининг мохиятини очик-равшан кўрсатиб турарди ва чўкморнинг халокатли зарбаси «Қалбларни каттик кокувчи» (101.1) оятининг аниқ ифодаси эди. Ўша куни то тунгача хар иккала тараф лашкарлари Пули Сангин ёнида шундай шиддат билан жанг килдиларки, охир-окибат бирорта хам баходир жангчида бир томчи сабр-токат колмади. Кечаси иккала тараф хам от бошини жанг майдонидан четга бурдилар. Ракиб лашкари сон жихатдан кўп бўлгани боис Хазрат Сохибкирон вазиятни қалб кўзи билан чамалаб кўриб, шундай тўхтамга келдики, бу ишда ақл ва тадбирни ишга солмок керак. Агар

шижоат ўки яхши ўйламасдан чикиб кетса, унинг чийиллашидан галаба хабарини эшитиб бўлмас. Илохий мадад калами унинг ёркин акли лавҳига зафар манзарасини чизгунича у килинажак ишларини обдон акл-фаросат элагидан ўтказди.

Ўнинчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма.

Хазрат Сохибкироннинг Пули Сангин (Тошкўприк)дан ўтганлари ва (жета) мўгул лашкарининг кочгани баёни

Хазрат Сохибкирон ўзининг хар бири мингта аскарга арзийдиган бир ярим минг отлик лашкари билан амир Мусо, амир Муаййад арлот ва Учкора баходирни Пули Сангин ёнида тўхтатиб турди. Ўзи эса жанг майдонининг гардини орзу-ният сурмаси деб билган бир ярим минг отлик лашкари билан дарёнинг юкори кисми бўйлаб Эсан Майдон томон жўнашди ва Эсан Майдон ўртасида дарё устидан аркон тортиб, ярим кечаси сувдан кечиб ўтишди ва тоғ тарафга юришди.

Эртаси куни душман сокчилари от туёкларининг изидан лашкар дарёдан ўтганини билиб қолишди ва талвасага тушишди. Тун бўлгани сабабли.

Назм:

Коп-кора тўнини кийдию осмон,
Ойни фалак ичра айлади пинхон.

Мамлакатларни эгалловчи, душманларга кирон келтирувчи Хазрат Сохибкирон, тоғ тепасида гулханлар ёкинглар, деб буйрук берди. Буни кўрган душман лашкарлари ваҳимага тушиб, заминда мустаҳкам турган оёқлари бўшашиб, кўрқув исканжасида хар тарафга коча бошладилар. Шу билан ўшандай бир отликка карши ўнта аскарлари бўлган, килич чопишга ва найза санчишга уста кўп сонли лашкар Парвардигори оламнинг инояти билан жанг-жадалсиз таркалди-кетди: «Аллох Ўзи истаган кишиларни голиб қилиш билан қўллаб-қувватлайди» (3.13). Қандай оқилона тадбир бўлдики, йирокда ёқилган гулханлар ёлкинидан канчадан-канча Амир ва лашкарбошилар бошқараётган сон-саноксиз душманнинг гурур ва такаббур хирмонига ўт кетди.

Назм:

Катъиятли бўлса, бир яёв навкар,
Бир отлик кучи-ла шохлик олинар.

Хак таборак ва таолонинг лутфи мадад қилган жойда душманнинг хору зор бўлиши муқаррардир.

Душманлар талвасага тушиб, қочишга юз тутгач, Хазрат Сохибкирон шердек ва шиддатли селдек, хайкириб, кичкириб голиб лашкарлари билан тоғдан пастга томон югуриб, уларни Гужарот майдонигача қувлаб бориб, ўткир қилич билан чопиб, найзаларни юракларига санчиб ўлдирдилар.

Назм:

У ерда канчалаб душманлар ўлди,
Далаю майдонлар ўлиққа тўлди.

Аллох мадад берган шонли лашкар юз шодмонлик огушида ўша жойда тўхтади, Амир Хусайн ҳам колган лашкарлар билан етиб келди. Бу галабанинг насимидан икбол шохи ўсиб, давлат ва саодатлари кувват олди, орзу-умид богида кайтадан чексиз гўзаллик ва тароват юз очди. Шоҳу лашкарнинг шон-шавкати ва журъатининг бири минг бўлди.

Хазрат Соҳибкирон туфайли бўлди,

Лашкарнинг калб, кўли кувватга тўлди.

Хазрат Соҳибкиронга ҳокимият сахнасида улуглик азалдан ато этилгани боис у тагин икки минг кишилик лашкар билан илгари юрди. У Каҳлагага етганида Шаҳрисабз ва унинг атроф туманларидаги халк тўда-тўда бўлиб унинг шавкатли мулозимларига кўшила бошлашди. Хазрат Соҳибкирон аввал икки минг киши ичидан уч юзтасини ажратиб олиб, уларни мулозим килди-да, йўлида давом этди. Колганларга ўша ерда қолишни буюрди. Уч юзта отликдан икки юзтасини амир Сулаймон барлос, амир Жоку барлос, Баҳром жалойир, амир Жалолиддин барлос, амир Сайфиддин ва Йўлтемур билан биргаликда Шаҳрисабз томон жўнатди. Уларга: «Тўрт кўшинга бўлининглар, ҳар бир отлик отнинг икки ёнига катта бир богдан узун шох-шаббани боғлаб олсин, ул шохлар ерга судралиб, чанг-тўзон кўтарсинки, буни кўрган доругалар кўркувдан қочишга тушсинлар», деб буюрди.

Улар буйрукка амал қилишди, бу ўйланган тадбир тақдирга мувофиқ келди. Улар Шаҳрисабз водийсида пайдо бўлганлари ҳамоно кўтарилган чанг-тўзонни кўрган мўғул доругаси қочиб кетди. Улар Шаҳрисабзга кириб бориб, шаҳарни эгаллашга киришдилар. Аллохнинг мислсиз инояти билан гоҳида ҳокимият устунлари лашкар ёккан оловдан кулаб тушса, гоҳида эса тадбиркорлик билан кўтарилган чанг-тўзондан мамлакат қўлга олинади. Мисра:

Бандага Хазрат Ҳакдан бу эрур лутфу қарам.

Ўша маҳалда Илёс Ҳожаҳон Шаҳрисабздан тўрт йигоч наридаги Тош аригида эди. Қўл остида улуг амирлар ва сон-саноксиз лашкар бор эди. Ўша пайтда Туглук Темурхон вафот этган бўлиб, Улуг Тук Темур билан амир Ҳамидбек ўз отасининг ўрнини эгаллаши учун Илёс Ҳожаҳонни олиб кетиш мақсадида қелишган эди. Хазрат Соҳибкирон унинг мулозимлари бўлиш бахтига эришган юзлаб отлик аскарлар билан тонгда йўлга чиқиб, Ҳузорга етиб қелишди. Эл-улус хазратнинг келганидан хабар топиб, унга таъзим қилиб, ер ўпиш бахтидан баҳраманд бўлишга шошилди. «Ҳузор ва Кеш лашкарини тўпланг!» деб буйруқ берди ва Ҳожа Салимборини олдинги сафга қўйди. У шавкатли лашкар билан бирга Жигдаликка қайтиб кетди, у ёкка эсон-омон етиб бориб, жойлашган пайтида Баён сулдузнинг ўгли Шайх Муҳаммад етти кўшин лашкар билан қелиб унга қўшилди. У ерда улар етти кун тўхташди. Шунингдек, у ерга амир Хусайн ўз лашкари билан ҳамда Хазрат Соҳибкирон Каҳлагада қолдирган лашкар ҳам келди. Дашти Қўлакда улардан айрилиб, ўз элига кетган Шер Баҳром ҳам қирк уч кундан сўнг Хатлон лашкари билан қелиб буларга қўшилди. Амир Хусайн ва Хазрат Соҳибкирон бутун лашкарлари билан у ердан қўчиб, Ҳузорга томон юз бурдилар. У ерда улар Ҳожа Шамсиддиннинг муқаддас қабрини зиёрат қилиб, унинг пок руҳидан ҳиммат ва мадад сўрашди, бир-бирларига ваъдалар бериб, қасамёдлар қилиб, дўстлик ва иттифоклик ришталарини маҳкамрок боғлаб, барча иш ва ҳаракатларда яқдил бўлишга аҳд қилдилар. Мисра:

Ҳаҳонни олса бўлғай иттифоклик бирла ҳар они.

(Ҳофиз Шерозий)

Ҳн биринчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма. Ҳазрат Сохибқироннинг туш кўргани ва уни яхшиликка йўйиб, Илёс Ҳожахон сари лашкар тортгани баёни.

Пайгамбар (с.а.в) айтибдурларки: «Солих мўминнинг кўрган туши пайгамбарликнинг кирк олти жузвининг бир жузвидур» (Ҳадис).

Қарами кенг Парвардигор ўз азалий иродаси билан бирорта сохибдавлат бандасининг манглайига бахт-икбол мухрини босиб: «Дархакикат, биз сени ерда халифа килдик» (38.26) дея уни лутфу қарам либоси билан ораста килади, унинг тиник калби ойинасини ўз инояти билан равшан киладики, токи унда гойибдан келган ҳамма нарса юз кўрсатсин, токи юз беражак ҳамма нарса юз бермасдан бурун унда маълум бўлсин, токи инсон руҳи нариги дунё дарчаси орқали келгусидаги ишлар ҳолатини кўра олсин.

Назм:

Қандай ажойибки, ҳаёл – мусаввир,

Жононим тимсолин айлади тасвир.

Юсуфи Сиддик алайҳиссалом (унга Аллохнинг марҳамати ёгилсин)нинг ота-оналари, ака-укалари ҳақида «У ота-онасини ўзининг тахтига чиқарди ва улар (Юсуфга) сажда килган ҳолларида йигилдилар» (12.100) оятида айтилган ҳолат анча йиллар олдин унинг тушида аён бўлган эди. Макка кўлга киритилгани хабарини (Аллох унинг шон-шухратини янада оширсин) «Қасамки, Аллох ўз пайгамбарига (у киши кўрган) тушни ҳаққи-рост килди» (48.27) оятида айтилганидек, Ҳақ таоло олдиндан пайгамбарлар султони кўнглига солган эди. Бундай ҳислат давлатнинг муҳим ишлари ва манфаатлари билан боғлиқ ҳолда улуг султонлар ва ҳоконларга ато этиладики, зеро улар Аллохнинг бу ёруғ оламдаги ноибларидир. Ҳазрат Сохибқиронда ҳудди шундай бўлди. Сон жихатдан жуда кўп душман лашқарига бас келиш мушкул бўлиб қолган бир маҳалда Сохибқирон бир қуни чошгоҳда шуни мушоҳада қилиб ўтириб кўзи уйқуга кетади. Уйқусида қимнингдир аниқ-равшан қилиб: «Ғам ема, кўнглингни ҳуш тутгин, қудратли Тангри сени қўллаб, зафар ато қилди» деган овозини эшитди. Уйқудан кўзини очгани захоти, гумонга ўрин қолдирмаслик учун атрофидаги қишилардан: «Ҳозир бирорталаринг бирон нима дедингларми?» деб сўради. Улар «йўқ» деб жавоб беришди. Унинг қулогига қирган сўзлар қўқдан етганига ва ҳушхабарнинг ёқимли насими лутфи илоҳий гулшанидан эсганига амин бўлди. Аллох мадади туфайли унинг ишончи яна ҳам мустаҳкам бўлди. Ҳақ марҳаматидан руҳланган ҳолда у амир Ҳусайн ҳузурига қелди ва бўлган воқеани унга айтиб берди. Бу хабардан ҳамманинг қалби қувончга тўлди. Ҳазратнинг ва унга тобе қишиларнинг қалби очилмаган гунчадек тугун эди, бу хабардан ҳаммаси баайни тонг шабадасидан очилган атиргуллардек яшнаб қетди.

Лашқару шох жанг фикрида қекди ғам,

Бу башорат элни қилди шод-хуррам.

Ҷун иккинчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма. Амир Хусайн ва Соҳибкироннинг мўғул лашкари билан жанг қилмоқлари ва ғалаба қозонмоқлари баёни.

Амир Хусайн ва Ҳазрат Соҳибкирон Яратганнинг лутфу қарамига шукрлар қилиб, кўтаринки рух билан отланиб, эҳтиёткорликни эсдан чиқармасдан, лашкарни икки қанотга тиздилар. Ўнг қанотни амир Хусайн бошқарди, Ҳазрат Соҳибкирон эса чап қанотга ўз қолибона байроғини тикди. Сафларни шу тахлит жойлаштириб, ишга қиришдилар. Тошарикда рақиб лашкари ҳам икки қанотга бўлинди: ўнг қанотни Илёс Ҳожаҳон ва амир Ҳамиднинг ёғдуси, чап қанотни амир Тук Темур ва амир Бекжакнинг улугворлиғи беэаб турарди.

Ҳар иккала тарафнинг лашкарлари саф тортиб, бир-бирлари томон юридилар.

Назм:

Жунбушга қелдию замини замон

Ќўё парчаланди бу ёруг жаҳон.

Туёқлардан ғардлар учди қўк томон

Тўзондан қуёшу ой бўлди пинҳон.

Иккала лашкардан қикқан дод-қигон

Қиёмат қойимдан берарди нишон.

Икки тарафнинг лашкарлари Қуббаи Метин мавзеида учрашишди. Ногоралар ғумбур-ғумбури ва баҳодирлар қикқиригидан осмон ларзага қелди. Дастанб душман лашкарининг илғор қисми қўпсон ва ғўё ёнгилмасликларидан мағрур бўлиб, Ҳазрат Соҳибкиронга қарши беллашмоқ учун отларини жанг майдони томон сурешди. Ҳазрат Соҳибкирон эса жойидан қўзғалмай, ўз давлатининг таянчи қисол устувор тураверди ва музаффар узанғига оёқларини тираб, қўлларига ўк-ёйни олди-да, чап қўлини алифдек, ўнг қўлини долдек қилиб абжирлик билан ўк ота бошлади.

Назм:

Ўқи алиф қабии, ёйи долу нун,

Унга нишонадир ёв қўкси бугун.

Жангчилар ҳам ўз ҳукмдорларига ўхшаб, баайни ой тевағаридағи юлдузлардек душман тарафга ёйлардан ёмғирдек ўк ёғдиришди. Ўқнинг ўткир учи баҳодирлар қони билан:

«Уларни (жаннат йўлига) ҳидоят қилур ва ишларини ўнғлар» (47.5) оятининг мазмунини битар эди ва уларнинг ҳолати: «Улар сажда қилган ҳолларида йикилдилар» (12.100)

оятӣ мазмунини эслатарди. Душман лашкарининг жангчилари, ғазабдан бўғилиб,

ўзларини шамолдек у ёқдан-бу ёққа отишаркан, ерга тутдек тўқилишарди. Учқур

ўқлардан ҳосил бўлган яралар азобиға дош беролмай йикилганча қолишарди. Назм:

Лашкар ғурур елида ёкса уруш оловин,

Ярадан оккан қондек қўлдан берар яловин.

Бу урушда шаҳид бўлган таникли қишлар орасида икки баҳодир бор эдиким, бири денғиздағи жангда одамларни ютиб юборувчи нахангдек, ўрмондағи жангда филга ҳужум қиладиган шердек Думаса, иккинчиси – хоннинг яқинларидан, ҳукмдор қошида ҳурмат-эътиборға эға Чанпу бўлиб, икковлари ҳам баҳрин қавмидан эдилар. Бундан ташқари, шаҳид қетганлар ичида Тук Темур баҳодир, Бекжакнинг иниси Давлатшоҳ, тагин лашкарнинг ишонган таянчлари иккита шаҳзода ҳам бор эди.

Назм:

Лашкар холдан тойди, кўп чекди озор,
Ўлган ўлиб, колган бўлди ярадор.

Иккала тараф лашкарлари аралаш-куралаш бўлиб, шу даражада урушиб-чопишдиларки, жанг майдони устидаги осмон жанг килаётган ганимлар ахволига минглаб кўзлардан конли ёш окизди. Назм:

Тогдай кўзгалишди иккита лашкар,
Ўнга-ўн бўлишиб тўкнашди улар.
Биёбонда дарё-дарё окди кон,
Жанггох лолазорга айланди алвон.

Жангчиларнинг хужумлари нихоя билмай, бало-офат денгизи мавж ураётган бир пайтда Хазрат Соhibкиронга гойибдан келган кутлуг хабар ва авлиёларнинг рухи мадад, яъни: «Бизларга ваъдасини рост килган Аллохга хамду санолар бўлсин» (39.74) ояти аркони давлатнинг йўлчи юлдузи бўлди. Беҳад кудратли ганим лашкари учун: «Сўнг юз ўгирган холингизда чекиндингиз» (9.25) оятининг мазмуни мос келди. Беҳисоблиги билан ёмгир томчилари-ю, дарахт япроқларини эслатувчи шундай улкан лашкарни кам сонли лашкар баайни кузги хазонлардек тўзгитиб, пароканда қилиб ташлади; оят: «Бу (мададни) Аллох факат сизлар учун килди» (3.126). Илёс Хожа, амир Бекжак, Искандар Ўғлон, амир Хамид ва амир Юсуф Хожа асирга тушдилар. Бирок туркий кавмлардаги хоннинг кадр-кимматини эъзозлаш одатига мувофиқ хонни қўлга олган бир неча жангчилар бу ҳақда ўз лашкарбошиларига билдирмасдан хонни ва амир Бекчакни отга миндириб қўйиб юборишди. Бошқа асирлар махбуслик кишанида қолаверишди.

Шу кеча Хазрат Соhibкирон, тунлаб йўл босиб Ём дарёси бўйига келди ва у ерда душманларнинг йўлини тўсиб, кўпларини ўлдирди.

Назм:

Арик суви алвон майга айланди,
Тошу қахраболар лаълга айланди.

Амир Чоку билан амир Сайфиддин буйрукка биноан Самаркандга жўнашди. Ушбу шавкатли зафар 765 (1364) балик йилида қозонилди. Хазрат Соhibкироннинг буюк хислатларидан бири шу эдики, у бирор ишни бошласа охирига етказмасдан қўймасди. У амир Хусайн хамда Шер Бахром билан маслахатни бир жойга қўйиб, тагин душман изидан йўлга тушдилар. Хўжанд дарёсидан ўтиб, ёмон кўзлардан сакланиш мақсадида Тошкандда тўхтади, бу ерда Соhibкироннинг бироз тоби бўлмади.

Байт:

Кўзларга яқинрок ҳар нарсаси бор,
Фалак кўз тегизар аёвсиз гаддор.

Хазрат Соhibкирон ҳам, амир Хусайн ҳам худди ўша жойда касал бўлишди. Ва кўп ўтмай: «Биз мўминлар учун шифо ва раҳмат бўлган Куръон оятларини нозил қилурмиз» (17.82) оятидан шифо топдилар. Маҳди улё Ўлжой Туркон ого Гармсердан эсон-омон бу ерга етиб келди.

Мисра:

Келди Сулаймон ёнига Билкиси замон.

Хазрат Соhibкирон орқага қайтишга қарор қилди ва Хўжанд дарёсидан ўтгач, халка усулида ов қилиш билан машғул бўлдилар. Амир Хусайн ҳам Дизак деган жойда чарга овига киришди. Улар овни Оқарда нихоясига етказдилар ва бир неча кун айш-ишрат билан машғул бўлдилар, қуйидаги мисрада айтилганидек:

Қўлингдан келганча хурсандчилик қил.

У ердан отланиб, эсон-омон, хушнудлик билан Самаркандга кайтдилар. Ва у жаннатмисол ўлкага Соhibкирон қадами билан шодлик ва омонлик кириб келди. Мамлакат аҳолисининг умид кўзлари губорлардан халос бўлди. Кейинги уруш-талаш даври заҳматини чеккан ёшу карининг кўнгли Соhibкироннинг лутфу эҳсонидан таскин топди. Ҳақиқатни ўз жойида қарор топтирган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин.

Ўн учинчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма.

Ҳазрат Соhibкирон ва Амир Хусайннинг қурултой қилганлари ва Қобилшоҳ Ўғлонни хон қўтарганлари баёни.

Мовароуннаҳр ва Туркистон ўзларига тобе барча вилоят қентлари билан мўғул лашкари ҳавфидан халос бўлгач, йирик амирлар ва аслзода нўёнлар ҳокимиятга, бир-бирларининг буйруқларига бўйсунганини истамай қолишди. Мамлакатда бошбошдоклик ҳукм сура бошлади. Шунинг хисобга олиб Ҳазрат Соhibкирон амир Хусайн билан қенгашиб, айтдики: «Ҳақ субҳонаҳу ва таоло бизга омад ва зафар қаромат қилди ва вилоят бизнинг қўлимизга ўтди. Аммо бизга бир бош қарақдор, орамизда бош бўлмаса, ишимизда саранжом-саранжом бўлмайди».

Байт:

Ҳаҳон ҳаҳондорсиз гўё бошсиз тан,

Бошсиз тана қора тупроқдан тубан.

Шу боис Ҳазрат Соhibкирон амир Хусайн билан маслаҳатлашиб, Қигатойхон авлодларидан бирини хон қилиб қўтаришни маъқул қўришди. Ушбу қелишувни имзолаш учун улар ўша 765 (1364) йилда барча амирлар ҳамда нўёнларни тўплаб қурултой ўтқизишди ва давлатнинг муҳим ишлари ва манфаатларини муҳофафза қилишди. Улар қамона қайли билан қарқирлик ва дарвешлик ҳирқасида қурган Қобилшоҳ Ўғлон ибн Қуржи ибн Элқигдой ибн Қувоҳоннинг қелишган қадди-қаматини улуг хонлик либоси билан безантқиришга қарор қилишди. Бахт-иқбол қуши бошига қўнган Қобилшоҳ Ўғлонни хонлик тахтига ўтқизишди ва турк султонларининг одатига қўра унга қадах қутишди.

Назм:

Бир базм туздилар жуда ҳашамлик

Унинг васфин айтсам сўз қилар қамлик.

Анқойи неъматлар, қумуш ва зардан

Олам юзи зебу қийнатга қўлган.

Қарчи улуглару сипоҳлар бирдам

Қўққиз бор юқуниб қиз қўқди бардам.

Бандилиқда ётган амир Қайдар Анқудийни Қинда Қашмга топширдилар, у шу қечасиёқ унинг ишини битирди ва унинг тириқлик тахти ўз ҳуқмдоридан айрилди. Назм:

Қиши ўз қаддидан ошиб қетганда,

Билинқи, у ўз бошига етган-да!

Бу вилоят қадимдан бери Ҳазрат Соhibкироннинг ота-қоболарига тегишли

бўлганлигидан унинг меросхўри Хазрат бўлиши керак эди. Шу боис у амир Хусайн шарафига дабдабали зиёфат уюштириб, вилоятни ўз ихтиёрига олди. Хазратнинг ишонган кишилари Сохибкиронга иззат ва хурматлар кўрсатиб, базмда хушнудлик ва масрурлик навосини тараннум этдилар.

Назм:

Бу базммас шунчаки, бу ажиб гулшан,
Шунчаки гулшанмас, яшнаган чаман.

Тўқисдир хадяю, тортик, халоват,
Йигилган эл, сипох, кибор, бадавлат.

Созлар кеча-кундуз чалар бахт куйин
Даврада айланар жомлар тинмайин.

Хазрат Сохибкирон хар кимнинг мавкеига караб илтифотлар кўрсатди, амир Хусайнга эса ўзига муносиб хадялар килди.

Назм:

Хоназот отлару киличу камар,
Ва унга муносиб хашам нарсалар.

Амир Хамид ва Сохибкироннинг оталари илгари якин дўст бўлганлари боис, «Оталарнинг дўстлиги пайгамбарлар кариндошлиги билан баробар» деган хикматга амал қилиб, ўша тўйда Хазрат ва амир Улжайту Абардий биргаликда амир Хамид билан Искандар Ўғлонни озод қилиш хақида маслахатлашди. Амир Улжайту Абардийнинг ақл-заковати кўзгуси турли синовлар натижасида йиллар давомида сайкаллашган эдики, ҳамма хар хил ҳолатларда унинг қийинчиликларни енгиш қудратига суянар эди. Унинг маслахати билан Сохибкирон амир Хусайндан уларнинг ҳаётини саклаб қолишни илтимос қилди. Гарчи амир Хусайннинг ўз фикри қуйидаги шеър мазмунига мос келса-да:

Қўлга тушган ёвни оёғидан тут,
Йўкса, бармок тишлаб, қиларсан сукут.

Хазратнинг илтимосига қўнди ва уларни озод қилиш хақида буйруқ берди. Шунга қарамасдан оятда «Хар бир вақт учун муносиб китоб – ҳукм бордир» (13.38) дейилган бўлса-да, ҳеч нарса ёрдам бермади. Амир Хусайн Солисарой деб номланган ўз юртига кетмокчи бўлиб турганида Хазрат Сохибкирон амир Довуд билан амир Сайфиддинни жўнатиб, амир Хамидни камокдан бўшатиб, иззат-хурматини жойига қўйиб олиб қелишни буюрди.

Амир Хамидни олиб келаётган Боязид билан Эмин узокдан келаётган икки амирни кўриб, улар – Хамидни ўлдириш учун қелишаяпти, деб ўйлаб, ўзлари шоша-пиша, бири гурзи билан уриб, иккинчиси шамшир солиб амир Хамидни ўлдириб қўя қолишди. Шўрлик амир Хамид озодлик боли ўрнига ажал захрини ютди. Зеро: «Аллох ҳукм қилур, унинг ҳукмини текширувчи бўлмас» (13.41)

Ҳаёт аригидан сув боғланса гар,
Хизр жомиди ҳам ажал кўринар.

Бу ишдан воқиф бўлган амир Хусайн «Навқарнинг иши бекниқидан яхшироқ воқеъ бўлди» деди ва киши юбориб, Искандар Ўғлонни олиб келтирди ва ўлдирди. Ўша киши амир Хусайн билан Хазрат Сохибкирон хар бири ўз юрти ва вилоятида дам олиб, айшу ишрат сурдилар, тинчлик ва омонликда икболу давлатлари янада зиёда бўлди.

Раҳмдил ва меҳрибон Аллохга ҳамду санолар бўлсин.

Ҳн тўртинчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма. «Лой жанги» ва унинг шархи баёни.

Аллох таоло бандасига давлат бермокчи бўлса, аввал уни азоб-укубатга гирифтор килади, агар унга бойлик ва хузур-халоват берса, паришонлик ва бахтсизликни ҳам кўшиб беради. Зотан давлат бор жойда машаккат бор, хорлик бор жойда иззат бор. Буларнинг бари илохий заковат кудратидир.

Ошик ёр калбида меҳр сезса гар,

Йўлдаги тикону гулни бахт билар.

Кўпинча бахтсизлик бахт сабабчиси бўлади, гоҳида эса омадсизлик ва жанжал хотиржамлик ва тинчлик олиб келади.

Назм:

Мустахкамлик асосидир кўплаб телик-тешиклар,

Гам-кулфатлар зиндонида кувонч номли эшиклар.

Кўп кулфларнинг занжирига хадиксиз бок, синчиклаб

Кўрсанг агар улар кулфмас, балки калит – очкичлар.

Бундай киёслашлар Сохибкирон хазратларининг хаёт кечинмаларига мос келади. Хазрат ўз вилоятида хузур-халоватда ўтказган киш охирлаб, баҳор оламга ўз сепини ёйганда, мўгул лашкари йўлга чикиб, шу томонга караб йўл олди, деган хабар келди.

Хазрат Сохибкирон амир Хусайнга бу ҳақда хабар бериш учун киши юборди ва ўзи лашкар тўплашга киришди. Амир Хусайн Пўлод Буга, Мухаммадхожа Абардийнинг ўгли Зинда Чашм ҳамда Малик баходирга тезда лашкарни йигиб, зудлик билан Хазрат Сохибкиронга кўшилишни буюрди. Улар Хазрат Сохибкиронга келиб кўшилгач, бутун лашкар бир бўлиб душман сари силжишди. Акар мавзеига етиб келгач, от-улов, мол-хол бироз куч йигсин, деб ўша ердаги ўтлоқда бир неча кун қолишди. Кейин яна йўлга тушишди, Хўжанд дарёсидан кечиб ўтиб, тўхташди. Амир Хусайн ҳам катта лашкар йигиб, уларнинг ортидан жўнади. У дарё соҳилига етганда, нариги томондан душман лашкарининг олдинги қисми яқинлашиб қолди. Хазрат Сохибкирон Чиноз ва Тошканд оралигидаги дарё бўйида тўхтади ва одамларига гофил қолмасликка, эҳтиёт бўлиб туришга буйруқ берди. Амир Хусайн бутун лашкари билан Сайхун дарёсидан ўтиб, мўлжалланган жойда тўхтади. Кандибодом дарёси бўйига етиб келган душман лашкари ҳам тўхтади.

Амир Хусайн билан Хазрат Сохибкирон кўнган жойларидан кўчиб, йўлга тушдилар. Иккала тарафнинг сокчилари бир-бирларини кўриб, лашкарни тартибга келтириш ва сафлантиришга киришдилар. Ўнг қўлда амир Хусайн улуглик байрогини осмон қадар юқори кўтарди. Унинг ортида қанбул да Тиланжи арлот турарди. Унинг хужумчи қисми Улжайту Абардий, Шер Баҳром, Пўлод Буга, Фарход Апарди, Малик баходир ва бошқа машҳур баходирлардан иборат эди. Дунёнинг жони ҳамда жанг майдонининг зийнати Хазрат Сохибкирон қолиблик нишони бўлган байрогини ярим ой шаклида учинчи қалакка кўтарган ҳолда чап қанотни эгаллаган эди. У олдинги қаторга қипчоқ уруги билан амир Сори Бугани, хужумчи қисмга Темур Хожа Ўғлонни тайинлади. Амир

Жокубек, амир Сайфиддин, амир Мурод барлос ва Аббос баходирни бошка жасур жангчилар билан бирга марказда ушлаб турди. Мана шу тартибда душман лашкаридан сон жихатидан анча ортик бўлган лашкар олдинга ташланди.

«Хунайна кунини эсланглар! Ўшанда Сизларни кўп эканлигингиз магрур килиб кўйган эди» (9.25) оятида айтилганидек, улар кутилмаган зарбадан ўзларини эҳтиёт килолмадилар. Худди шунингдек, мўгул лашкари ҳам Куббаи Метиндаги жангда сон жихатдан кўп бўлишига карамай шу лашкардан маглубиятга учраган эди, бу сафар бу томон лашкари кўп сонли бўлгани учун улар хийла йўлига ўтишди ва Яратганнинг кудратини ўзида жамлаган жада тошини ишга солишди.

Холдан тойди мўгул-жета лашкари

Хийлаю макрга колди кунлари.

Жада тоши билан ёгдирди жала,

Жахон бу ёгиндан бўлди дабдала.

Гулдирак, чакмоқлар самони тутди,

Булутлар тутуни дунёни ютди.

Осмонни кора булут коплаб, ногора товушларига момакалдирок овози кўшилиб, еру кўкни чакмоқ найзалари тутиб, челақлаб куйгандек ёмгир куйди, булутларнинг кўзларидан шу қадар ёш куйилдики, оламни гўё сел босди.

Назм:

Нух зорин булутлар эшитдими ё?

Буткул сел остида колди бу дунё.

Ер суву намликдан шу даражада тўйдики, ерни ўз шохида тутиб турган хўкиз гўё сувда сузарди. Жанговар отларнинг оёқлари шу қадар лойга ботдики, коринлари ерга тегиб турарди. Намликнинг зўридан ёй чўплари ивиб, ўк отишга ҳам ярамай колди. Ёй ўқларининг патлари тўкилиб, пайкони узилиб тушди. Кийимлар хўл бўлиб, огирлашиб кетганидан на отликлар, на пиёдалар жойларидан силжиёлмай қолишди. Шунга карамасдан, беҳад куч-гайрат ва матонат кўрсатиб, нариги тараф лашкарлари олдинга интилдилар. Душман лашкари эса бошларига наMAT ёпиб, ўзлари, отлари ва курулларини ёмгирдан асраб турдилар. Лашкар уларга яқинлашганда, бошларидаги наMATларини иргитиб ташлаб, ёмгирдан химоя қилинган отлари ва куруллари билан жангга кирдилар.

Назм:

Икки лашкар наъралари кўкка ўрлаб,

Ўнгу сўлга суриларди «урхо-ур»лаб.

Жангу қарнай суронлари шунга етди:

Гўё жахон осмон билан силжиб кетди.

Бундай алгов-далговда жангчилар бакир-чакири, ёмгир ва ўқлар визиллаши елкаларни «силаб», манглайдан «ўпар», юракларни тешиб, нафасни бўғарди. Ҳазрат Соҳибқирон Аллохнинг инояти билан чап канотидан хужумга ўтиб, душманнинг ўнг канотини синдирди, у ерни Шангум Нўён, яъни амир Ҳамиднинг укаси эгаллаб турган эди. Буни кўрган Илёс Ҳожахон қочишга тушди. Бирок қисмат юзини тесқари буриб, душман лашкарининг чап канотини эгаллаб турган Шировул ва Ҳожибек ўнг канотга хужум қилиб, Тиланжи ва Зинда Чашмни ўнг канотни бошқараётган амир Хусайн ёнигача қувиб боришди ва бу канот тарқалиб, қочишга тушишди. Шер Баҳром билан Ҳожибек бу тарафнинг ўнг канотини қувиб юборганини кўрган Фарход ва Бек Темур саросимада тўхтаб қолишди. У тарафдан амир Шамсиддин ҳам кўп сонли лашкари билан шижоат енгини шимариб, жасоратларини намойиш қилдилар.

Хазрат Сохибкироннинг калбида гайрат ёлкини аланга олиб, Аллох мадад бериб турган бакувват кўллари билан.

Назм:

Пўлат киличини сермади дадил

Гўё олов кесиб, тўсди куёшни.

Бўкирик шер каби отилди шахдам,

Оти аждар каби силтарди бошни.

Ўн еттита кўшини билан душман устига ташланди ва хужум ёлкинини уларнинг матонат хирмонлари устига йўллади.

Бундан дахшатга тушган амир Шамсиддин отининг бошини жанг майдонидан четга буриб, кочишга тушди. Назм:

Сохибкирон хужумин кўргани сайин,

Хар банданинг мадори кетиши тайин.

Сохибкирон галабасидан амир Хусайннинг умиди куч олиб, чекинган лашкарини йигиштириб, бир жойда турди. Назм:

Ганимни какшатиб килди тантана,

Сипох томирида кон жўшди яна.

Хазрат Сохибкирон навқари Табан баходирни амир Хусайн ёнига куйидаги сўзларни тайинлаб юборди: «Хозирги пайт учун энг тўғри йўл амирнинг бизга яқинлашишидир, агар бирлашсак, душманга гавго солган бўлардик, негаки уларда на биз билан юзма-юз бўлишга, на қаршилиқ кўрсатишга куч йўқ».

Амир Хусайннинг бахт юлдузи Сохибкирон юлдузининг чараклаши олдида хиралаша бошлагани боис унинг ҳокимияти куни ҳам омадсизлик шоми томон яқинлашар ва Куръон оятида: «Аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартирмагунларича Аллох уларнинг ахволини ўзгартирмас» (13.11) дейилганидек, унинг рухияти ўша кунлари ўзгариб қолди. У ножоиз ҳатти-ҳаракатлар содир қилди. Табан баходир унга яқин қелганида, у сўқиниб, уни шундай урдик, йикилиб тушди. Хазрат Сохибкирон тагин унинг ёнига амир Хусайн баходирларидан бўлган Малик ва Ҳамидларни юборди ва бу сўзларни тайинлади:

«Қулай пайтни қўлдан чиқармаслик учун у албатта қелиши керак». Бу сўзларни эшитган захоти амир Хусайн қазаб отига миниб уларни урди ва «Мен қочиб қетдиммики, у мени қақирсин? Агар сизлар қалаба қилсангиз яхши, агар қалаба душманга насиб этса, улар менинг қасосимдан омонлик топишмайди», дея уларга дўқ-пўписалар қилди.

Қўнгиллари лат еган Малик билан Ҳамид Хазрат Сохибкирон қошига қелиб, унинг қилоғига ёпишиб: «У қарамасдан ортик мадад қутманг, қунга энди ортик уринманг» дейишди. Хазрат уларнинг фикрини рад этмади ва мақсад қўлини ундан қортди. Қар иққи қарафнинг қап қанотларини душманнинг қарама-қарши қанотлари қарқатиб юборгани оқибатида қар иққала лашқар қам бошлари қовушмай, душман манзилига етган жойда тўхтади.

Назм:

Қуёш қавандози тушганда отдан,

Лашқар қам тўхтади қиргин-қаротдан.

Неча минглаб лашқар тун бўйи ётиб,

Тоқи тонг отгунча ухлади қотиб.

Ўша қечаси амир Хусайн бир неча қор қазрат Сохибкирон қошига одам юқориб, уни ўз ёнига қорлади. Унинг қолойиқ қилиқларидан қили оғриган Қазрат бу қаклифни қавобсиз қолдирди ва илтимосини қажармади.

Назм:

Фалак узра чикди хуршиди анвар,
У борлик оламини килди мунаввар.
Иккала лашкар ҳам тушди жунбушга,
Консираб байроқлар чорлар урушга.
Ерни тутиб кетди фарёду фиғон,
Эс-хуш дегандан ҳеч колмади нишон.

Иккала тарафнинг жангларда чиниккан аскарлари аралаш-куралаш бўлиб, урушиб кетишгач, мўгул лашкари мағлуб бўлиб кочишга тутинди. Хазрат Соҳибкироннинг лашкари душман изидан колмай баайни касос олувчи қисматдек қувиб борди. Шу маҳал ўз лашкаридан айрилиб қолган амир Шамсиддин байроғи билан бориб, бир чеккада турди. Қочоқларни қуваётган лашкар жиловни тортиб, ўша байроқ томон бурилди. Қочаётган лашкар эса қайтадан тўпланиб, еру кўкни ларзага келтириб уларнинг устига ташланди.

Назм:

Ёвуз ганим қайта хужумга ўтди
Қиличу ўқ теккан инсон қон ютди.
Ўқлар ёмғиридан қалқонлар – қалғир,
Найза қўз, юракка санчилаётир.

Замонанинг бевафолигидан аввал ғалаба келтирган байроқ энди бахтсизлик қанғалига қириқтор бўлди ва олдин қолиб қўлган лашкар энди мағлуб бўлиб, қочмоққа тутинди.

Назм:

Ўзгарувчан фалак ишига бир бок:

Аввал роҳат берар, сўнг келар – қийноқ.

Тўс-тўполонда қўлаб одамлар қалқинга қотиб қолди. Аввал енгилган душманлар яна қад ростлаб, ўз истакларини қондириш учун қасос қилишини ишга солишар ва ўн мингга яқин киши ҳалок бўлди. Оянда айтилганидек: «Аллохнинг амри иродаси тақдири азалий бўлди» (33.38). Бу воқеа илон йилида, 766 (22 май 1365) рамазон ойининг бошларида содир бўлди. Буржлар қилқасидаги қалқинчи бўғин қараб буржида содир бўлдики, қунажқимлар қуни қунақил бўғин деб аташади. Қўзимиз охирида бу қиқрни ерда содир бўлаётган ишлар осмон қисмлари таъсирида бўлишини тақдирлаш учун қелтирмадик. Қеро, оламга Аллохдан ўзга таъсир ўтказувчи қуч йўқдир.

Амирлар қу ердан қетиб, Шахрисабзга етганларида қар бири ўз эл-қулсини Қайхун қарёсидан ўтқайишга қарор қилишди. Амир Хусайн қазрат Соҳибқиронга: «Қозир оиламиз ва одамларимизни қарёдан ўтқаймоғимиз мақсадга қувоқидир», – қеди. Соҳибқирон эса: «Улар қарёдан ўтиш учун қетишди. Қенинг эса қу вилоятни ташлаб қетишга қимматим йўл қермаяпти, негаки у сотқинлик ва адолатсизлик қурбони бўлади. Қен яна лашкар тўқлайман-да, душман қилан олишаман», қеди.

Амир Хусайн Қолисарой томон йўлга тушди. У ерга етиб қелгач, ўз эл-қулси ва қўл остидақиларни тўқлаб қарёдан ўтқайди, теқалиқ ва довоқлардан ўтиб, Шибарту қеган манзилда тўхтади. Мўгул лашкаридан оғоқ бўлиб туриш учун қишилар қўйди, мўгул лашкари қўзқолса Хиндиқтон сари қўнамоққи эди.

Амир Хусайн Шахрисабздан қўнаб қетгани қазоти қудратли Соҳибқирон лашкар тўқлашга тушди ва тақбирқорлиқи орқасида ўн иққита қўшин тузди. Темур Хўжа Ўғлоқни, Қоварқи ва Аббос бақодирни етти қўшин қилан қунажқимлар сифатида Самарқандга қўнатди. Қоварқи у ерда шароб ичишга қерилиб қетиб, шароб унга қуйидақи мисрада

айтилганидек таъсир этди:

Майнинг хушбўй сарин елдек ёкимлиси хуш,

Гар нажасга якин турса, анкийди нохуш.

Ва ичида пайдо бўлган гайирлик алангаси тилига чикди. У Довудхўжа ва Хиндушоҳга: «Хазрат СохибкIRON сизларни тутиб олиб, амир Хусайн кўлига топширади, у сизларни тирик кўймайди» деб уларни кўрkitди. Улар бу гапдан дахшатга тушиб, кочишни афзал кўришди ва душман томонга ўтиб кетишди. Куланг деган манзилга етишганда мўгул лашкаридан хужумчи кисм сифатида Улуг Туг Темурнинг ўгли Кебек Темур, Шировул, Ангирчок, Хожибеклар у ерга келишди. Довудхўжа билан Хиндушоҳ буларга йўлбошловчи бўлиб, уларни Темурхўжа Ўғлон, Жоварчи ва Аббосга карши бошлаб келишди ва уларга шикаст етказишди, бу билан лашкарлар ўртасидаги бирлик риштаси узилди.

Буни эшитган Хазрат СохибкIRON англадики, давлат ишларида хали нуксонлар ва тўскинликлар мавжуд, ортикча жаҳду жадаллик фойда бермайди.

Назм:

Ахволин ўнглашга уринар, аммо –

Ушбу вазиятда бу бир муаммо.

У мудом ўз ахволини яхшилашга уринар, аммо айна вазият бунга йўл бермасди. Шундай килиб, у Аму дарёсидан ўтиб, Балхда манзил тутди, ўзининг таркалиб кетган эл-улуси ва туманини тўплади. Шунингдек, у Кебекхоннинг туманини ҳамда Элчи Буга Сулдуз туманини ҳам тўплашни буюрди ва бир тўда кишиларни дарё соҳилини кўриклаб, у ерларда бўлаётган ишлардан, хатто энг майда ишлардан ҳам хабардор бўлиб туриши учун тайинлади. Темурхўжа Ўғлонни урушда йўл кўйган хатоси учун жазолади.

Бахт куёшининг бош кўтариб, оламга эгалик килишини кутаркан, у тонгги маишатга берилди.

Назм:

Хуш кечир умрнинг хар лахзасини

Мудом ёринг бўлсин хузур-халоват.

Ўткинчи дунёда гам-алам мўл-кўл,

Шодлик дамларини билгин ганимат.

Ўн бешинчи фасл. Мўгул лашкари томонидан Самарканднинг камал килиниши баёни.

Мўгул лашкари Самаркандга етиб келган пайтда Самарканднинг калъаси йўк эди. Шу сабабли Мавлонозода Самаркандий, Мавлоно Хурдак Бухорий ва Абобакр Калавий Наддоф шаҳар халкини кўчаларни тўсиклар билан мустахкамлаб, шаҳарни мухофаза килишга чакирдилар. Ўша жасур кишилар маълум муддат шаҳарда ҳоким бўлмаган пайтда кўп сонли ва маккор душман билан мардонавор урушдилар. Улар душманлар хужумини шу қадар каттик туриб қайтардиларки, зўравонлик кўли шаҳар халкининг

мол-мулки ва ор-номусига етолмади. Шахар ахли узок давом этган камалдан беҳад мушкул ахволда колган пайтда Яратганга илтижо килди, дуолари мустаҷоб бўлиб, роҳатбахш насим раҳмати илоҳийдан келди. Куръони Каримда: «Албатта ҳар бир оғирлик билан бирга бир енгиллик ҳам бордир» (94.6) дейилган-ку. Мўғул лашкарининг отларига ўлат тегиб, отлар шунчалик қирилдики, тўртта отликдан фақат биттасида от қолди, ҳолос. Шу сабаб улар саросимада қолиб ортга чекинишга мажбур бўлишди. Уларнинг кўпчилиги эгарни елкаларига боғлаб чекинишди. Бундай катта лашкарга бас келиш ҳақиқатан ҳам улуг подшоҳлар ва уларнинг ноибларининг иши эди, бироқ бу ишни оддий фуқаро уддалагани боис айримлари бундан беҳад гурурланиб кетишди ва халқни қийнашга, зўравонлик қилиб, ҳатто қон тўкишгача боришди.

Назм:

Ё Раббим, гадоёга амал бермагил!

Мўғул лашкари орқага қайтмоқчи бўлган пайтда Ҳазрат Соҳибқирон Аббос баҳодирни Қаҳлағага юбориб, мўғул аҳолини билиб келишни тайинлади. У Қаҳлағага бориб воқеаларни билгач, қелиб ҳаммасини юқорида баён этилгани сингари Ҳазратга етказди. Соҳибқирон мўғул лашкарининг қайтгани ҳақида хабарни эшитгач, амир Ҳусайнга бу ҳақда билдиришни, у ҳам шу тарафга томон ҳаракат қилиши лозимлигини тайинлади. Чопардан бу хабарни эшитган амир Ҳусайн беҳад шод бўлди. Дарҳол, у Шибартудан жўнаб, Солисарой томон йўл олди. Ҳазрат Соҳибқирон оиласи ва элини дарёдан ўтказиб, қадимги юртига жўнатди. Ўзи эса отга миниб, амир Ҳусайн истикболига йўл олди. Улар Боғлон сайхонлигида учрашишди. Бир-бирлари билан қучоқлашиб қўришиб, иззат-ҳурматларини жойига қўйиб, ўтган воқеалар, келажакдаги ишлар ҳақида сўзлашишди. Улар шу тариқа мулоқот қилиб, эрта баҳордаёқ биргаликда Самарқандга жўнашга қарор қилишди. Ҳазрат Соҳибқирон эсон-омон Жайхундан ўтиб, катта йўл босиб Қаршига қелиб тўхтади. Бу шаҳарнинг Қарши номини олишига сабаб шуки, Кебекхон Нахшаб ва Насафдан икки фарсах нарида қаср қурдирган эди. «Қаср» сўзи мўғул тилида «Қарши» деган маънони англатади. Соҳибқирон кишни ўша ерда ўтказди ва Қаршини қўргон билан ўрашни буюрди. Соҳибқироннинг улкан тадбиркорлик қудрати билан қишдаёқ қўргонни қуриб бўлишди.

Назм:

Иқбол тилагига айлади восил,
Эккан уруғлари берди мўл ҳосил.

Ўн олтинчи фасл. Илёс Ҳожахон ишининг ниҳоясига етгани, унинг вафотидан кейинги воқеалар: Амир Камариддиннинг ҳокимият учун кураши ва уни тиклашининг баёни.

Мўғулларнинг оғзаки маълумотларида Илёс Ҳожахон ҳақида биронта ҳикоят ҳам, ривоят ҳам йўқ. У ҳақда «Зафарнома»да қуйидагилар битилган: Туглук Темурхоннинг вафотидан сўнг у тахтни эгаллади. Отасининг ўлиmidан, «Лой жанги»дан ҳамда ундаги

галабадан сўнг, Самарканд камали ва отларга ўлат келгани боис, у ердан кайтгандан сўнг унинг хукмронлиги узокка чўзилмади. Туглук Темурхон вафотидан кейин мўгуллар огзида айтилиб келинган воқеаларнинг кўпи Илёс Хожахон ўлгандан сўнг содир бўлган, колаверса, буёғи кўпроқ Аллохга аёндир.

Туглук Темурхон вафотидан кейинги воқеаларга келсак, мўгуллар тилида мана бундай хикоя килинади: Туглук Темурхон ҳаёти ҳақидаги тасвирларимизда эслатиб ўтилган амир Буложи бешта ака-укалардан бири эди. Улардан биринчиси – амир Тўлак, у ҳақда хоннинг исломни қабул қилиш зикрида ёзган эдик. Иккинчиси – ўша Буложи. Учинчиси, «Зафарнома»да «Лой жанги» баёнида айтилган амир Шамсиддин. Тўртинчиси – амир Камариддин, у ҳақда энди тўхталамиз ва бешинчиси – амир Шайх Давлат, у ҳақда ҳеч нарса маълум эмас.

Амир Тўлакдан сўнг улусбегилик мансаби амир Буложига теғди. Амир Буложи ақасининг ортидан абадиятга равона бўлгач, улусбегилик унинг ўғли Амир Худойдодга насиб этди. Амир Камариддин хонга таъзим бажо келтириб айтдики: «Акамнинг ўрнига мен лойикман. Унинг ўғли етти ёшда, бу мансаб унга тўғри келмайди. Туглук Темурхон, албатта, қароридан қайтмади ва бу мансабни етти ёшли Худойдодга берди».

Амир Камариддин тап тортмас киши бўлиб, этиги ичига етти яшар боланинг жой бўлиши билан машхур эди. Хуллас, у қаттиқ ранжиди, аммо кўлидан ҳеч нарса келмади. Хон вафот этгач, у тагин кўзгалди. Бирок, «Зафарнома»да ёзилишича, у Илёс Хожахон вафотидан сўнг кўзголган, бу фикр мўгулларнинг ривоятларига тўғри келмайди. Ўша пайтда қучли, мустақил хон бўлмагани учун амир Камариддин юрагида йигилиб ётган бор аламларини юзага чиқарди, қўнлардан бир қўни у ўн саккизта хонзодани ўлдириб, ўзига «Хон» ёрлигини ёпиштирди ва шу билан Мўғулистонда ишлар издан чиқди.

Туглук Темурхондан битта эмизикли ўғил қолган эди. Амир Худойдод уни онаси билан бирга яширганди, онасининг исми Амир Ого эди. Амир Камариддин уларни қидириб топиш учун қишлоқлар жўнатди, ҳар қил уларни шундай бекитишар эдики, амир Камариддиннинг одамлари топишолмасди.

Амир Камариддин Мўғулистонда ҳокимиятни тиклаш ва изга туширишга қиришди, аммо амирлар ўртасидаги низолар туфайли унинг иши қўришмади. Амир Темур ва унинг қўшинларининг Мўғулистонга қилиши Амир Камариддин ишларининг олдинга қўлқўшига таъсир қўрсатмади. Амир Худойдодга келсак, у Хизр Хожахонни амир Камариддин таъйинидан қалос бўлсин деб Қўшқардан Бадахшон ва Қўшқар қўралигида қўйлашган тоғларга жўнатди. Бу ҳақда қили ёзилади. Воқеаларга аниқлик қиритиш учун аввал амир Камариддин ҳақида тўхталамиз.

(давоми бор)